



O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САЊАТИ Haftalik gazeta • 1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan e-mail: uzaa@b2c.uz 2011-yil 5-avgust • №32 (4119)

НУРГА ЧЎМИЛГАН БЕКАТ

Бир гуруҳ ижодкорлар Тошкент вилояти, Юқори Чирчиқ туманидаги касб-хунар коллежининг Ахборот-ресурс марказида юртимиз мустақиллигининг 20 йиллиги олдидан ташкил этилган учрашувда катнашди.

Янгибозор кўрғонидан кўпдан бери бўлмаган эдим. Танайма қолибман. Йўллар, кўчалар кенгайтирилди.



Хар қадамда ободончилик. Янги қаҳвахона, чойхона, тураржойлар, қатор савдо расталари қад кўтарибди. Ҳаммаёқ озода, тартибли. Одамлар чехрасидаги мамнуният ҳиссини кўриб кўзинг тавнади.

Ўтказилган тадбир ҳам асосан шулар ҳақида сўз борди. Давлатимиз олиб бораётган оқилона сиёсат, эл-юрт фаровонлиги йўлида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари,

ёшларга кўрсатилаётган ғамхўрлик, юртдошларимизга яратилаётган шарт-шароит, имкониятлар ҳақида кўп яхши гаплар айtilди. "Буюк ва муқаддасан, мустақил Ватан!", "Баркамол авлод", "Биз 20 ёшдамиз" сингари сўзлар тез-тез тилга олинди. Энг муҳими, юртимиз мустақиллигининг 20 йиллиги алоҳида таъкидланди ва мен ўша лаҳзаларда ана шу тарихий ва қўлғусана ҳақида ўйлаб қолдим.

...Бобом раҳматли XIX асрнинг адоғида туғилган эди. Демак, ёлгон "октябр инқилоби"ю "шўролар ҳукумати" халқнинг қўйини пуч ёнғоққа тўлдирган йилларда 20 ёшларда бўлган. Алам қиладиган ери шундаки, у ва унинг тенгқурлари ўша мустақил тузум ғояларига ишониб, яхши кунлар умидида... аслида, "алданиб" яшаб ўтганлар.

...Отам раҳматлининг 20 ёши Иккинчи жаҳон урушига тўғри келган ва у Ўзбекистондан йироқда "Ватан учун" жанг қилган...

Давоми иккинчи саҳифада.

МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИДА

Ўзбекистон давлат консерваториясида Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг 2011 йил биринчи ярим йиллик фаолияти якунларига бағишланган кенгайтирилган ҳайъат йиғилиши бўлиб ўтди. Вазир Т.Қўзиёв бошқарган ҳайъат йиғилишида 2011 йилнинг биринчи ярим йиллигида вазирлик тизимида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов томонидан республика ҳукуматидаги 2011 йил 21 январдаги мажлисида белгилаб берилган мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг энг муҳим вазифалари ҳамда устувор йўналишлари бўйича амалга оширилаётган ишлар таҳлил қилинди.

Шуни айтиш керакки, биринчи ярим йилликда асосий эътибор маданият ва спорт соҳасида қабул қилинган қарор ва фармойишлар ижросини таъминлаш, ижро интизомини мустаҳкамлаш масалаларига қаратилди. Президент қарори асосида "Сени қўлайимиз, замондош!" биринчи республика танловини юртимиз театр жамоалари томонидан кўтаринки руҳда ўтказилгани алоҳида таъкидлаш жоиз. Вазирлик, Ёзувчилар уюшмаси, Театр ижодкорлари уюшмаси ва Ўзбек Миллий телерадиокомпанияси ҳамкорлигида Тошкент шаҳрида ўтказилган маъруза танловда ўн олти театр жамоаси қатнашди.

Аҳолининг бўш вақтини мазмунли ўтказиш, жумладан, ёшларни санъатимиз, тарих ва аъёнларимизни янада чуқур ўрганишига жабл этиш, воёга етмаганлар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш мақсадида кўплаб маданий-маърифий тадбирлар ўтказилди.

Спорт соҳасида ҳам қатор ютуқлар қўлга киритилиб, кўплаб оммавий спорт тадбирлари ташкил этилди. Мамлакатимиз спортчилари қатор халқроқ мусобақаларда иштирок этиб, 101 та олтин, 107 та кумуш, 176 та бронза медалини қўлга киритишди. Республикамиз бўйлаб ўтказилган бир ярим миңдан

зиёд оммавий спорт тадбирларида олти юз етмиш миңдан ортиқ киши қатнашди. Шулардан учдан бир қисмини хотин-қизлар ташкил этгани қувонарли ҳолдир. Йиғилишда вазирлик тизими фаолиятидаги мавжуд камчиликлар ва ечимини кўтаётган муаммолар жиддий муҳокама этилди.

Жумладан, Сурхондарё вилоятидаги клуб муассасалари ҳамда маданият ва истроҳат боғлари томонидан аҳолига кўрсатилган пуллик хизматлар қўлдан қўрилган ва нисбатан кам фоизи ташкил этган. Шундай ҳолатни Хоразм вилояти бўйича ҳам кузатиш мумкин. Шунингдек, баъзи хойларда клуб муассасалари фаолияти, моддий-техник таъминоти масалаларига маҳаллий ҳокимлар томонидан етарлича эътибор берилмапти. Музейларда замон талабларига жавоб бермайдиган экспозициялар ҳамон учраб турибди, аксарият вилоят театрларининг моддий-техник таъминотида камчиликлар мавжуд, баъзи театр бинолари капитал таъмирга муҳтож.

Ана шуларни эътиборга олган ҳолда ҳайъат йиғилишида пуллик хизматлар соҳасида ишларни янгилаш ташкил этиш, аҳолига кўрсатилган пуллик хизмат турлари ҳамда уларнинг қўламини кенгайтириш, янги иш ўринларини яратиш бўйича чоралар кўриш, қишлоқ аҳолиси учун хизматларнинг замонавий шакллари янгилаш чикши каби долзарб вазифаларга жиддий эътибор қаратиш уқрибди ўтилди.

Вазирлик тизимида ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, меъёрий ҳужжатларни такомиллаштириш, ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари битирувчиларини иш билан таъминлаш, маданият ва спорт объектларини куз-қуш мавсумига тайёрлаш юзасидан тизим ташкилотларига тегишли топшириқлар берилди.

Йиғилиш якуни бўйича соҳадаги устувор вазифалар ҳамда долзарб масалалар юзасидан қарорлар қабул қилинди.



КУХНА НАВО СОФИНЧИ

5



«Ўзбекистон маданияти ва санъати» кўرғазмаси

Одам — табиатнинг акс-садоси. Унинг кўнгли кўзгусида табиат сирлари, муждалари мавжуд. Тийнатида тоғлар бор, сувсиз саҳролар, шаҳрироқ дарё ва гуркираган боғ бор. Кимнинг руҳида неки бор унинг манзили шу бўлади, қўли шундай манзил барпо этади, оёғи шундай манзилга элтади. Шу маънода одамдан из қолади. Яхшининг белгиси боғ, деган сўзлар шунчаки мақол эмас, ҳикмат! Умрингдан бир кунинг қолса ҳам ниҳол қада, деган ҳадиснинг замирида ҳам ана шу азгу ҳақиқат бор.

Навойи бобо: "Олам аҳли билингизким, иш эмас душманлиг, Ёр ўлуғ бир-бирингизгаки, эрур ёрлиғ иш!"

дея баъзини тайинлаб, таъкидлаб салобат-ла боқиб турғучи қўлғуси чор тарафидан минг турли дараклардан, муаттар гуллардан барпо бўлган гўзал бир боғ бор. Очиги, менга Ўзбекистон Миллий боғи дея номланган шу боғнинг илк қўнчаларини Навоий ҳазратлари ўз қўллари билан қадагандай тўлаверди. Зеро, улғуси шoir ҳам аслида буюк боғбон-ку! Зеро, унинг қўлида ҳам буюк бир гўзаллиқ, орасталак, шовуллаб турган чаман бор-ку.

Истиқлолимиз расман эълон қилинган йилнинг авваллари Президентимиз ташаббуси ва раҳнамолигида ҳозирги гўзал гўшага улғуси шoirнинг мухташам ҳайкали ўрнатилганда халқимизнинг тарихий орузси чин маънода рўёбга чиққанлигини, шу улғуси аждодлар ният қилган, умуминсоний ғояларида илгари сурган ёруғ кўнларнинг ифодаси бўлиб улғуси Навоий қад ростилаган эди. Инсон эрки, унинг озод, хур ва осойишта ҳаёти ҳамда буларнинг бариси унинг ўз илҳида бўлмоқлиги барча эркин шарафдонлар зотлар қаторида Навоий бобомизнинг ҳам орузси, ғояси эди. Дарҳақиқат, ушбу юртининг азгу шамолларида шовуллаб турган улкан боғ ҳам шу ғояларнинг ифодасидир.

Қанчон бу боққа борсам яна бир сўз келади қўнлимга. Кўпчилигининг биз борансиз, кўргансиз. У жойда-тергаб фойдаланяпти. Менинг димоғдор қўшим эса... Мана шуниси одамга алам қилади.

Тўғри, юртимизда тоза ичимлик сув танқислиги сезилмайди. Аммо бу сувни ҳуда-беҳуда исроф қилавер, тарвузини совутиш учун сув жўмраги тагига қўй, шланг тортиб шахсий автомашинангни истаганча юв, дегани эмас.

Хозир дунё олимлари вақт келиб нефт ва газ ўрнини — қуёш, ша-тоза сувни қўллатишдан мақсад ёзнинг иссиқ тафтини эрмакка пасайтиришимиз? Ахир, истеъмолга яроқли обихаётни бу тарзда исроф қилиш яхши ямас-ку!

Кўнлимдан кечган гапларни қўшимга юмшоқроқ қилиб айтандим, "Сўвга пулни мен тўлайман, сен эмас, шундай экан уни хоҳлаган жойга ишлатаман", дея қўрс жавоб қайтарди. Узимни зўрға босдим. Ҳарҳолда қўшин деган номимиз бор, "сан-ман"га борсам уят бўлади.

Хабарингиз бор, бу йил қиш ва баҳор ойларида ёнғингарчилик кам бўлди. Деҳқонларимиз сувнинг ҳар бир қатрасидан тежаб-

ги халқимизнинг икки атоқли адиби Ойбек ва Абдулла Қаҳҳорнинг юксак савияда ишланган ҳайкаллари ёнма-ён, сўз мулкнинг султонига боқиб турибдилар. Улар ўтирган, Навоий тик турган ҳолда. Устоз қўшидаги содiқ шогирдларнинг сўхбати эмасми бу. Бу зотларнинг қўраётган сўхбатлари ҳам шу боғлар ҳақида, яъни шу чаманлари яшаб турган Ватан ҳақида, унинг камоли хусусидадир асли. Барг тилида, дарак тилида шивирлаётган, айтаётган саслар ҳам сўз боғларига, қўлларини ўйноқчи ирмоққа чўзавтган мана бу беғубор гўдаларга азгуликдан нақл айтаётган Навоийнинг ғазаллари бўлиб эшитилади.

— Фарҳоджон, сувдан нарироқ юртин,— ёш келчинчақ ўзига сизмай

Бир туп пайванд наштавини қўлаётган улкан теракдан ҳимоялаб, синдирмай сақлаб қолиш учун елкасини тўтиб, сувини чиқариб олган Амиркул полвон образи бежизга асарларимизга кирмаган. (Ш. Холмиров. "Ўзбек бобо" ҳикояси.)

Ха. халқимизнинг аънанеси, турмуш-тарзи, қўйинги, тарбияси ҳамиша боғ билан, яратиш билан мазмун касб этган. Бу ўзбекнинг белгиси, хос хусусияти.

Боғнинг мухташам Олий Мажлис биносининг шовий куббалари бўй кўрсатган кун ботиш тарафидан "Ўзбекистон маданияти ва санъати" кўрғазмаси мана-ман деб турирди. Зардўзи, адрас, алак матоларига зеб берилиб, асрлар оша аждодлар шонини ардоқлаб, ўзининг олтин хошяларида миллий бисотимизни сақлаб келаётган бу жиҳозлар ўзбекнинг шонини оламга кўз-қўлаб тураверди.

Бу гўшадаги мамлакат миқёсида байрамлар, тантаналар ўтайдиган мухташам саҳнадан эсам катта тўйнинг, истиқлол тўйининг шовури келиб турибди. Бу сасни юрагида ўзбекилик тирик ҳар инсон албатта тинглай билади, хис этади, фохр тўяди.

Ўзбекистон Миллий боғи шу азиз байрам арафасида чин маънода миллийлик, гурур-ифтихор касб этган-ки, бу сўлим манзилда қийқариб чўмилаётган болалардан тортиб то вилоятларимиздан келган юртдошларимизгача ҳар бирининг юз-қўзларида бир масрур ифодани илғаш қийин эмас.

Асли, азгуликнинг ташрифи, хабари ҳамиша қувончи бўлади-да. Мустақилликнинг нафаси кезиб турган шу кунларда чехраларга ёйилган умумий бир ёғду — шу қувончнинг ёғдусидир. Ўз-ўзиндан қайфиятнинг кўтарилиди. Эл билан қўрган улғуси тўйнинг довури ҳам, шуқуҳи ҳам улғуси бўлар экан-да!

Теграимизда эса боғлардан улғуси олган кўнларимиз, хайтимиздан қисб олган боғларимиз шовуллаб турибди.

Абубакр ҲОЗОВ

БОҒЛАРИМ

эркаланиб югураётган гўдагини эҳтиётлаган бўлади. Миллий боғ ташкил этилганда афсонавий

Ватан учун яшайлик!

Фарҳод номи билан рамзий боғланаиб барпо этилган шу ердаги икки анҳорнинг номи ёдимга келди: Баҳрул Ҳаёт, Наҳрул Наҳот!

"Фарҳод ва Ширин" дostonидаги инсонларга савдат, иқбол улашувчи Ҳаёт дарёси ва Наҳот денгизи деб аталган бу қўлғуси сулар дostonлардан тўри шу боққа келиб қўйилапти. Шундай бўлгач, Фарҳод деганлар сўвдан қўрмайди-да, янғ!

Азим Тўшкентнинг қоқ ўртасида яшаб турган бу боғ кишилар қалбидидаги ям-яшил тўйгуларни эслатади. Бу боғ — Тошкентнинг қўнли! Бу боғ ўзбекининг кечинмалари, турмуш тарзининг намойиши.

Қўнларини ортига қилиб ўғлига қўнларини янги ўй атрофида турган бил нуроний чол кўз ўнғимга келади: уй битди, ҳовли атрофига жияк тортилди. Энди ола-баҳордан ниҳол қаданглар. Ўзбек яшаётганлиги билини турсин!

"ШАРҚ ТАРОНАЛАРИ" СОЛНОМАСИ



ҚУТЛОВ 2009 ЙИЛ

Тили, миллати, дини ва урф-одатидан қатъи назар, ер юзидаги юзлаб миллат ва халқларни бирлаштирадиган энг қудратли, энг таъсирчан бир восита борки, бу — мусика, бу — оҳанг, бу тарона.

Санъатни, мусикани бутун қалби билан севадиган, ижод аҳлини муносиб қадрлайдиган ўзбек халқи "Шарқ тароналари" фестивалининг ҳар бир анжуманини катта байрамдек орзиқиб қутади, барча иштирокчиларнинг санъатига юксак ҳурмат билан қараб, уларнинг чиқишини самимият билан қарши олиб, ўз хурсандчилиги ва миннатдорчилигини билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг "Шарқ тароналари" еттинчи халқроқ мусика фестивалининг очилиш маросимидаги табрик сўзидан.

"Шарқ тароналари" еттинчи халқроқ мусика фестивали дунёнинг эллика яқин мамлакатидан икки юз олти миңдан ортиқ иштирокчи ва меҳмонлар катнашди. Довруғи жаҳонга ёйилган мусика беллашувиди Коста-Рика, Қатар, Австралия, Иордания, Мексика, Словакия давлатларидан келган вакиллар илк бор иштирок этди. "Шарқ мусика маданиятининг жаҳон тамаддунида турган ўрни" мавзусида илмий анжуман ўтказилди.

Фестивалнинг олий мукофоти Гран-прига Лали Берназарова (Туркменистон) сазовор бўлди.

Биринчи даражали мукофот Ўзбекистон халқ артисти Матлуба Дадабоева ва халқ қолғулари ансамбли ҳамда Гочаг Аскеров ва озарбойжон халқ қолғулари ансамблига топширилди. Иккинчи даражали мукофотга "Виналог" рок-поп гуруҳи (Жанубий Корея) ва "Шем Тов Леви" ансамбли (Исроил) ижрочилари муносиб топилди. Учинчи даражали мукофотга Қувват давлат мусика санъати институтининг халқ қолғу ансамбли ва хушовоз хонанда Лаура Моллика (Италия) сазовор бўлди.

Нодир Одил ўғли Охундов, Озарбойжон телерадио тармоғи бош муҳаррири:

— "Мақом" ва "муғом"нинг яқинлиги бор. Чунки қадим замонларда санъаткорларимиз Каспий денгизини кечиб, бир-бирларидан ўрганиш, яқинлашиш мақсадида ўз қолғуларини кўтариб юришган. Замонлар ўтди, Президент Ислоҳ Каримов ташаббуси билан таъсис этилган оламшумул фестивалга ўн йил олдин келганимда Самарқандга ошиғу бекарор бўлиб қолдим.

Мусикани мусикага, қалбни қалбга туташтирган "Шарқ тароналари" дунё аҳлида катта таассурот уйғотмоқда. Ким Кинг Хи, иштирокчи (Жанубий Корея): — "Шарқ тароналари"нинг қамрови, нуфузи ва аҳамияти, Самарқанднинг бетакрор гўзаллиги ва тарихий обидалари ҳақида аввалги фестивалларда иштирок этган ҳамюртларимдан эшитган эдим. Ушбу анжуманда қатнашар эканман, Самарқанд ҳақидаги, фестивал ҳақидаги тасавурларим янада бойиди. Ўзбек халқининг нақадар баркирегн, меҳмондўст ва санъатсевар эканига яна бир қарра амин бўлдим. Бу шаҳарда ўтган кўнларим умримнинг ёрқин саҳифасига айланиб қолди.

ТОМЧИСИ ГАВҲАРГА ТЕНГ

Орамизда шундайлар борки, улар бекорчиликдан бирор иш қилса жамиятга, одамларга фойдасидан кўра зарари кўпроқ тегади. Мана, ён қўшим. Эрталаб ишга кетаётсам, учинчи қаватдаги балкондан шлангда пастга сув сепаётган бўлади, кеч-қурун қайтаётганимда ҳам аҳвол шу. Теварақда гул ёки бирор ўсимлик қўқариб тур-

Кўнчак газеткочан мактуб

мол, биогаз каби муқобил энергия турлари эгаллайди, деган фикрни илгари сурмоқда. Технология янада юқори даражага қўрилса, балки келажакда шундай бўлар. Аммо сувнинг муқобили йўқлиги илм-фанда аллақачон исботланган. Шу боис, бу бебаҳо неъматга нисбатан муносабатни қуруқ гап-сўзларда эмас, биринчи навбатда онгимизда ўзгартаришимиз лозим. Сувдан оқилона фойдаланиш ҳар биримизнинг фуқаролик, қолаверса келажак авлод қўлидаги бурчимиз эканини унутмайлик!

Хабарингиз бор, бу йил қиш ва баҳор ойларида ёнғингарчилик кам бўлди. Деҳқонларимиз сувнинг ҳар бир қатрасидан тежаб-

тергаб фойдаланяпти. Менинг димоғдор қўшим эса... Мана шуниси одамга алам қилади.

Тўғри, юртимизда тоза ичимлик сув танқислиги сезилмайди. Аммо бу сувни ҳуда-беҳуда исроф қилавер, тарвузини совутиш учун сув жўмраги тагига қўй, шланг тортиб шахсий автомашинангни истаганча юв, дегани эмас.

Хозир дунё олимлари вақт келиб нефт ва газ ўрнини — қуёш, ша-тоза сувни қўллатишдан мақсад ёзнинг иссиқ тафтини эрмакка пасайтиришимиз? Ахир, истеъмолга яроқли обихаётни бу тарзда исроф қилиш яхши ямас-ку!

Кўнлимдан кечган гапларни қўшимга юмшоқроқ қилиб айтандим, "Сўвга пулни мен тўлайман, сен эмас, шундай экан уни хоҳлаган жойга ишлатаман", дея қўрс жавоб қайтарди. Узимни зўрға босдим. Ҳарҳолда қўшин деган номимиз бор, "сан-ман"га борсам уят бўлади.

Хабарингиз бор, бу йил қиш ва баҳор ойларида ёнғингарчилик кам бўлди. Деҳқонларимиз сувнинг ҳар бир қатрасидан тежаб-



ПИШИҚЧИЛИК

Саратон — узумга бол қўйган фасл, қўёш ҳам оловни тепага ялди. Пишиқчилик қирар қонга муттасил — Эй Юрт, тупроғинга шира тўқилди!

Сувлар ҳам қизийди. Дарё ҳансирар. Деҳқон нафас олар пайқалда ёниб. Қалдирчоқ айвонда ҳар тонг ҳал сўрар — Асалари сўрар гулларни қониб.

Мевали дарактининг барги шивирлар. Саратон, шохларни солибсан эгик.

Қўнлида зўр қувонч, сонинг нимлар — Қадиминг пок бўлсин, сени хуш қўриқ.

Пахта эканларга мадал бўл ўзинг. Қарқарган лабларга бергил жон, малҳам. Қўсақлар етилгай тегса нафасинг, Ёруғ нурга тўлдир Ота Юртин ҳам.

Саратон! Гудакни улғайтир, севгил. Ошпоқ дафтар очил қалбда, илло. Ўзбекистон отлин чаманам кезилд — Асрагил шомлару саҳарлар аро!

Баҳриддин САДРИДИНОВ

Асқар Шериф

Полвон МУҲАММАД

Бошланиши биринчи саҳифада.

Менинг 20 ёшим эса "турғунлик йиллари" авжига чиққан замонларга тўғри келди. Биз мактаб ўқувчилари ўшанда "Партияга минг раҳмат" деган шеърларни ёд олардик...

Ана шу ўринда, бугунги 20 ёшлиларни ўйлаб қолсан, киши.

Эндиги "Йигирма ёшлилар"нинг энг буюк саодати шундаки, улар осмони мусавффо, турмуши фаровон, жаннатмонанд бир юрда дунёга келдилар.

Бугун мураккаб компьютер технологияси ва интернет тармоқлари билан ошно тутишиш йигит-қизлар

ва ишонч деган гап!

Ҳарқалай, бугунги кунларимизнинг лақатларидан келяпти. Шу тобда бир нарсани ўйлаб қолдим. Юртимиз осмонидан тушиб келаётган самолётларнинг иллюминаторларидан хорижлик меҳмонларнинг катта қизиқиш

бири қўниб турибди. Бир Европага кетяпти, бири Америкадан ё Осиё мам-

Ватан учун яшайлик!

лақатларидан келяпти. Шу тобда бир нарсани ўйлаб қолдим. Юртимиз осмонидан тушиб келаётган самолётларнинг иллюминаторларидан хорижлик меҳмонларнинг катта қизиқиш

НУРГА ЧЎМИЛГАН БЕКАТ



учун одатий ҳол. Жаҳоннинг энг нуфузли спорт мусобақаларида голиблик шоҳсупаларига қаҳармон ва мустақил давлатимиз байроғини боши узра кўтараётган спортчилар, юртимиз, миллатимиз шухратини етти иккимга еяётган санъаткорлар, тадбиркорлик ва кичик бизнес жабҳаларида мўъжизалар яратяётган ёшлар кўпчилигини таажублантирмайди.

садагаси кетсанг арзийди. Бундай саодат хар қандай халққа ҳам насиб этавермайди.

Нафисламбрини олганда, бозорлари қишин-ёзин ноз-неъматларга тўлиб-тошган, маҳалла-қўйларига карнай садолари янграб турган, болалари шодон қийқиришиб ўйнаб юрган бундай юртни жаҳон харитасининг ҳамма бурнакларига ҳам учратиб маҳол. Бу ҳам мустақиллик шарофатидан, давлатимизнинг инсонпарвар сисёсатидан, албатта.

Кайси кун меҳмонларни кутиб олгани пойтахтимизнинг мухташам аэропортига чиқдик. Самолётлар бири учиб,

ва ҳайрат билан қараётганларига шубҳам йўқ. Бу ҳали ҳақжоннинг бошланиши. Ҳали уларни Самарқанд Регистони, Бухоронинг мезморий осори-атиқалари, Ташкентнинг мустақиллик майдонини Хиванинг қадимий обидалари кутиб турибди.

Ҳақиқий ҳайрат ана ўшанда, тўғрироғи, юрдошларимизнинг юзларидаги нур, лабларидидаги табассумни кўрганларидан содир бўлади.

Президентимиз Ислам Каримов айтганидек, "Ҳаётимизда бўлаётган ўзгаришларнинг илдизи халқимизнинг маънавий ўйғонишидир. Она тилимизнинг азалий ҳақ-ҳуқуқлари тиклангани, ҳақиқий ўзбекона урф-одатларимизнинг, халқимизнинг қадриятларимизнинг ўз ўрнини топаётгани ҳам одамлар кайфиятига ихобий таъсир кўрсатмоқда.

Юртбошимиз ўз асарларидан бирини бежиз "Юксак маънавият — енгилмас куч" деб атамаган эди. Унинг саҳифаларида "Эркин ижод учун, миллий қадриятларимиз ва бой маънавиятимизни, халқимиз тарихини, унинг бугунги сермазун ҳаётини тўлақонли ва ҳаққоний акс эттириш учун зарур шароитлар яратилди", дея бежиз таъкидламагани. Худди шу нарса, биз ижодкор-

лар олдига, устозу мураббийлар, ота-оналар олдига жуда катта масъулият юклагани ва юкляётгани аниқ.

Ҳозир мамлакатимизда глобаллашув жараёни шиддат билан давом этаёпти. "Ахборотлар асри" бошланганига ҳаммамиз гувоҳ бўлиб турибмиз. Хар қадамда интернет тармоқлари, замонавий компьютер техникаси, газета-журнал, радио-телевидение янгликларга, дунё хабарларига тўлиб-тошиб турибди.

Мен юқоридида аслаганим, тадбирда муаллимлардан бири "Ҳаммамиз оиламиз, уйимиз, маҳалламиз, дейимиз. Аслида эса Ватанимизнинг ўзи буюк ва қудратли оила. Уни кўз қорачиғидек сақлашимиз лозим", деган гапларни айтди.

Мен эса ўша лаҳзаларда юртимизнинг тинчлиги, осойишталиги, турмуш-турмушимизнинг фаровонлиги ҳақида ўйлаб кетдим. Айни чоғда, бугун оғоҳликка даъват этгучи, ҳушёрликка чорлагувчи сўзлар бот-бот такрорланаётгани ва таъкидланаётганини эсладим.

"Ватан остонадан бошланади", деганларини раст. Шундай экан, оилаларимизнинг тинчлиги — юртимизнинг тинчлиги. Фарзандларимизнинг шодон чеҳраси — юртимизнинг бахти. Буни қадрлаш, асраб-авайлаш керак!


Халқимиз беқорга яхши ё чиройли бир нарсани кўрганда "Илоҳим, кўз тегмасин!" демайди. Илоҳим, мустақиллигимизга, ана шу саодатли кунларимизга кўз тегмасин!

Зеро, бундай саодатни на ўлчаб, на тортиб бўлади. Айниқса, аждодларнинг бир умр орзу қилган буюк саодатга сен мушарраф бўлиб турган бир паллада уни тўла-тўқис таърифлашга ҳам сўз ожизлик қилиб қоларкан. Саодат асли оиламга сигмағувчи, айни чоғда, одам боласининг муштдеккина юрагига жоб бўлгучи ана шундай сирли ва сехрли бир хиссийатдирим, унинг замирида халқимизнинг кечаги, бугунги ва эртанги кунни ўз ифодасини топаган.

Бунисига энди шубҳа йўқ. Зеро, Истиқлол қўеши ёритиб турган ҳаёт йўлимиз, биз қаршида турган, нурга чўмилган "20-бекат" ана шундан далолат бераётир.

Эркин УСМОНОВ

ҚЎФИРЧОҚЛАР ВА БОЛАЛАР ТАРБИЯСИ



Болалигимни эслайман. Уйинчоқларим орасидаги буюм ясаган қошқўзлари қоп-қора кўғирчоқ менга жуда ёқарди. У оддий бўлса ҳам қандайдир жозибали эди.

Нима учун қиз бола тетапога бўлганидан бошлаб кўғирчоқ ўйнаб улғаяди? Бу — табиий инстинкт. Кўғирчоқни ювади, сочларини тарайди, эрқалайди, унга либослар кийдиради... Шу тариқа келажакда оналик вази-фасини бажаришга тайёрлар кўриб боради.

Мутахассисларнинг фикрича, уйинчоқ нафақат болани овунтиради, балки маънавий жиҳатдан камол топишга, дунёқароши шаклланишига ҳам хизмат қиладди. Шу боис уйинчоқ сотиб олаётганда унинг нафислиги, тоза маҳсулотдан тайёрлангани, сифатини ҳисобга олиш зарур.

Бугун жажжи кизалоқларимиз қандай қёфадаги кўғирчоқларни ўйнаётганига эътибор берганмиз? Бежиз саволни бундай қўймадим. Чунки аксарият ҳолларда уларнинг қўлида чет элдан келтирилган «Барби» кўғирчоғини кўраимиз. Америкалик Руд Хондлер қизи Барбаранинг ювадан ясалган кўғирчоқларни ўйнаётганини кузатиб, «Барбини яратди». У 50-йилларда олмон газетаси — «Билд»да комик расмлар тўпламидаги Лилли исмли қиз тимсолида чоп этилган. Қачонлардир кулгига сабабчи бўлган ўша кўғирчоқ-расм образига бугун қизларимиз тақдид қиляёпти.

йўқ. Энди, айтингчи, бу каби кўғирчоқлар оқ-қоранинг фарқига бормайди, тафаккури эндигина шаклланиб бораётган кизалоқларга нима ни ўргатадиму қай жиҳатдан ўрнак бўлсин...

Хар бир халқнинг кўғирчоқлар билан боғлиқ удумлари бор. Африканинг баъзи қабиаларида бўйи етган қизларга кўғирчоқ совға қилиш ода-ти бўлиб, улар бу совгани то биринчи фарзанди дунёга келгунча сақлар, сўнг онаси унга ана битта кўғирчоқни совға қилар, шу тариқа анъана давом этав экан. Шимолий олтойликлар аёлларга матодан тикилган кўғирчоқлар — «энекелер», яъни «катта она» деб номланган кўғирчоқларни мерос қилиб қолдира экан.

Бизнинг ҳам ўз миллий кўғирчоқларимиз бор. Урф-одат ва анъаналаримиз, миллий қаҳрамонларимизнинг ўзига хос феъл-атвори акс этган кўғирчоқлар ишлаб чиқаришга, кўғирчоққос хунармандлар учун шарт-шароит яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Усталаримиз яратган «Барчийо», «Хоразм гўзали», «Етти гўзал» каби кўғирчоқлар, аввало, юқори сифати, қолаверса, ёшларимизни миллий урф-одатларга, қадриятларимизга хурмат руҳида тарбиялашга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир. Болалар қалбида эзгулик ва саҳийлик туйғулурини шакллантириш учун уларга ўз миллий кўғирчоқларимизни совға қилайлик.

Озода АБДУҒАНИЕВА, талаба

Ўзбекистон Бадий академияси марказий кўргазмалар залида ўзбек-корейс рассомларнинг XI анъанавий кўргазмаси ўз якунига етди. Бир ҳафта давом этган тадбирда хар икки мамлакатдан жами олти мишдан ортқ ижодкорнинг икки ўз олтмишга яқин асарлари намойиш этилди. Экспозициянинг асосий қисмини корейс хатотларнинг анъанавий услубда ишланган асарлари эгаллади. Мухлислар корейс рассомларнинг акварел ва графика йўналишида яратган рангтаъсир асарларини ҳам катта қизиқиш билан томоша қилишди.

Суннат ОСТОНОВ

Ўзбекистон давлат консерваториясида "Зарб — 2011" доирачилар республика кўрик-танлови бўлиб ўтди. Икки кун давомида кўрикчи қилар ва бахсларга бой кечган беллашува Коракалпоғистон

МАДАНИЙ ҲАЁТ

республикаси ва вилоятлардан эллика яқин доира иштирок этди. Танлов натижаларига кўра олий ўринга консерватория талабаси Жаҳонгир Исмолов лойиқ топилди. Бадий жамоалар орасида биринчи ўрин Тўйчи Иноғомов номидаги доирачилар дас-

тасига насиб этди. Тадбир якунида таниқли хонандалар, кулгу усталари иштирокида концерт дастури намойиш этилди.

Д.САЙДАЛИЕВА

Андижон шаҳрида Мустақиллигимизнинг 20 йиллиги бағишлаб "Барҳаёт навалар" туркумида миллий чолғу ижрочилари кўрик-танловининг вилоят босқичи ўтказилди. Тадбирда барча шахар ва туманлардан бадий ҳаваскорлик жамоалари қатнашди. Булоқбоши тумани "Наво" қарнай-сурнайчилар гуруҳи биринчи ўринга лойиқ топилди, танловнинг республика босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Бади


Мен бувимнинг қизиман... Намозшоғмули атлас кўйлақчасини хилпиратиб ҳали елкасига тушмаган зулфирини "киркчоқ" қилиб ўриб қўйин", дея харҳаша қиладиган қайсар қизни Турсунной буюм жадаям яхши кўришини эсиман. Пахтадан пилик эшил сочларини кирқоқил қилиб ўриб қўйган, буювжонимнинг қалампирмунчоқ иси келган бағрига отилар ва унинг ҳазин хотираларини тинглардим. Ёш тўла кўзларига боқиб индамайгина ўша даҳшатли кунларга ўзимча баҳо беришга, ақлим этганича мушоҳада юритишга интилардим.

Миттигина бўлса-да сўхбатдош, дилдош топилганига хурсанд бўлган буювжоним ўз ҳаётининг эртагини шундай бошларди: У пайтлар кимнинг уйда мол-ҳоли ёки биттагина оти бўлса ҳам "қулқ" қилишга баҳона топиларди, болам. Отамнинг ҳам ёлдор саман йўрғаси бор эди. Ўша отига миниб далага кетаётса, болшовойлардан бири қўшимизнинг бошқорғу аёлини: "Нега далага чиқмадинг. Шўрларга қаршимсанлар?", дея савалаётган экан. Шунда газабини, орини ичига сиғиролмаган отагини: "Хой нобакор, бировнинг жасми, ҳалоллини уришга нима ҳаққинг бор, гуноҳ эмасми?", дея унинг қўлидаги қамчини олиб отиб юборган экан. Шундан сўнг ўша киши отамга қасдлашиб қолган экан-да. Отам кўпинча белига қайрилган тўни ичига мени солиб момомларниқига олиб борардилар. Бир кун шундай ҳолда қариндошларимизниқига кетаётганимизда ўша бақирқон ва термулар хунук киши отамга ёмон термулиб турганини кўриб, юрагим ниманидир сезгандай бир титраб кетгандай. Беқорга эмас экан: ҳеч қанча вақт ўтмай ҳалимизга нотаниш одамлар бостириб кириб ўйимиздаги қўлга илингулик ҳамма нарсани ташиб кетишди. Кейин билсам бизни "қулқ" қилишган экан. Қўқон шаҳридаги темир йўл вокзалига элтадиган аравага жойлашаётганимизда қариндошларимиз: "Сен қолавер, бегона жойларда бизис зина қиласан?", дея аравагинг ортидан эна жойига эргашиб боришганини эслайман. Отам ҳеч иккиланмай: "Эрим ва болаларим қаерда бўлса, мен ҳам ўша ерданман!"

ЮРТ ЭШИГИ

га айтиб берар экан. Аслида бу алла эмас, бу Ватан ҳақидаги дардли қўшиқ экан-да.

- Алла айтсам, титраган Қўқонжоннинг боғлари, Қанча йнғилсам кетмас юрагимнинг доғлари, Ох, юртимнинг боғида ўлсам сўнги чоғларим, Алла бўлинг, онажон, Ором олинг, онажон. Кипригимнинг толаси соғинганимдан тушди, Юрагимнинг толаси ногганимдан қўчди. Ох, бегона юрларга нимага кўчим тушди, Алла бўлинг, онажон, Ором олинг, онажон...



Рисолатой, Савриниса ва Эрқабу-вилар қучоқлаб йнғиласа, Турсунной хеч кимни танимайди. Ҳа, фақат исми ўзгармаган холос, ўзи эса худди бегонадай... Бу аччиқ эртанинг худди ана шу жойида бегона бўлиб қолган. Мени астойдил ёнига ўтказиб тайинлаган: "Жон болам, мана бу тоғаларнингнинг манзили ёзилган қороз. Бу ерларда қўлиб кетишингни истатайман. Албатта, ўзимнинг юртимизга, кишлогимизга — Катта Кўштепага қайтинг, ҳўпми. Хат ёзсанг, албатта тоғаларнинг сени топиб олишади. Менга нима қилиб бўлса ҳам қариндошларимиз олдига қайтаман деб сўз бери бўлмаса сендан рози эмасман!" Отамнинг шу сўзи сўнгги

эслайман: "Тушда от кўрса мурода етадилар. Дарё эса ёруғликдан, илмдан дарак". Шошиб-пишиб ишонкамга отланарканман, доно момоларимиз баҳорат қилганларидек, илим ўрганиб мурода етадиган замонада яшаётганлигимиз, албатта, шукур қиламан. Кўз қароғларим — жондан азиз фарзандларим шундай осойишта замонада воға етаётганларидан кўнглим равшан тортади.

Уғлим Элшодбек ўзимга ўшаб эртат тинглашни жуда яхши кўради. Кизим Зухраҳон эса алла тинглашни...

Кундузги юмушлардан толиб турган бўлсам-да уларнинг талабларини астойдил бажаришга ҳаракат қиламан. Ана шундай кезларда ўз-ўзидан қаршимда буювжоним пайдо бўладилар-да астагина хиргойи қила бошлайдилар:

Хўйлару, хўйлару, Уйинг қайда туялар? Уйим бозор бошида, Хонбуваннинг қошида. Хонбуваннинг қошида, Бозорнинг ёнбошида. Бор тарозу сўроғи Ҳар бир инсон бошида.

Емай дунё ошидан, Кезмай тоғу тошдан, Мусулмон бўлармисан Сўрагин йўлдошингдан. Сўрагин йўлдошингдан, Нелар ўтган бошдан. Дегай юртинг азизлар ўзганинг дур, тошдан...

Хўйлару, хўйлару, Уйинг қайда туялар?... Маҳмадона қизимга менинг бу қўшиғим жуда эриш туюлади: "Аяжон, аллангизни эшитиб йнғилам келади. Лекин маъносига тушунмайман-да...". Шунда ўз-ўзидан буювжонимнинг хикоясини бошлайман. Негаки, болаларим ҳаётнинг асл кечмишини, бугунги кунларимиз қандай маънақат-лару фожиалар эвазига келганлигини билишларини истайман.

Мухтасар ТОЖИМАТОВА

Журналларни вақарлаганда "ЗВЕЗДА ВОСТОКА" 2011 йил, 2-сон Журналнинг шеърятга бағишланган саҳифаларида Сирожидин Сайид, Турсун Аллӣ, Абдулла Аҳмад, Мухаммад

Али ижодларидан намуналар (Н.Ильин таржумаси) берилган. Шунингдек, русийзабон ижодкорлардан Марта Ким, Баҳодир Аҳмедов, Вика Чембарцева, Станислав Колчиннинг янги шеърлари билан танишасиз. "Наср" руқини остида Владимир Баграмовнинг "Турналар қўчасида", Ольга Григорьеванинг "Қўркув синдроми..." романларининг давоми берилган. Шунингдек, журналда Назар Эшонқулнинг "Уруш одамлари", Сергей Татурининг "Темир одамлар" қиссаларини ўқийсиз. Ибодулла Шаймардоннинг "Амир Арслон Румий" эпоси ва салжуқийлар даври тарихини ўрганишда унинг роли" ҳамда Фулом Аҳмаджоновнинг "Маънавий-руҳий ривож ва тарихий хотира" мақолалари журналнинг ушбу сони мундарижасига алоҳида салмоқ бағишлаган. Ольга Хейда ва Нурғали Сыздикбаевнинг бадий асарлар поэтикаси таҳлилига доир тадқиқотлари, Ф.Мўминовнинг "Янги адабий танқид мактаби" ҳамда Н.Владимированинг Фитратнинг ҳикоялари таҳлилга олинган илмий мақолалари билан ҳам журналнинг шу сониди танишасиз.

Гулчеҳра ЖўРАЕВА

ИСТИҚЛОЛ ВА ИҚБОЛ ЭГИЗАК ЭКАН



Озодлик нимадир, Танитдинг, Ватан, Тобелик занжирин узилшидир, Ўзбеклар тахтининг тузилшидир, Элим бу кунларни асрлар куттан.

Хуррият нимадир, Ўргатдинг, Ватан, Ким эдик, ким бўлдик? Энг азиз инсон!

Истиқлол ва иқбол эгизак экан, Йигирма довошни кечмадик осон.

Ободлик нимадир, Кўрсатдинг, Ватан, Янгича тафаккур, тушунча билан Яратмоқ илмида бўлмадик бир кам, Ифтихор, гурурдан бошимиз баланд.

Фидолик нимадир, Эслатдинг, Ватан, Жасорат, меҳнатнинг тутдик қўлини, Аждодлар қони бор томирда зотан, Чароғон ҳаётнинг тойдик йўлини.

Қадрият нимадир, Қайтардинг, Ватан, Наврўзлар безади боғу бўстонни. Она тилимизни севдик, дафъатан Янгилан яратдик Ўзбекистонни.

Гўзаллик нимадир, Ҳўжтдинг, Ватан, Мадраса, минорлар антиқа гоят, Маржондек тизилган шаҳарлар кўркам, Чиройда мужассам меҳр, садоқат.

Бахт, толе нимадир, Бу — ўзинг, Ватан, Осмоннинг беғубор, турмуш эса бут.

Сенга садқа жоним, қутлай юракдан, Юз йиллар бағрида яшна, она юрт!

Замин юрагидан чиққанмиз икков, Теран илдиэларинг, томиларинг бор. Менинг-да риштани узолмас биров, Бир сойдан сув ичиб яшнаимиз, чинов.

Бу гўзал бўстонлар боқийдир, бари Бизники, шу боис севгим ҳам улкан. Гулзорга қўнгандек бир асалари Мен сендан бол эмиб яшайман, Ватан.

Кунлар кунни қувар, йилни эса йил, Шошириб-шошириб мени қувар вақт, Фафлатда қолмай деб югуради дил — Бахтнинг орқасидан излаб яна бахт!

Етдимми, етмадим нурли чўққига, Умидлар етаклар ҳамон илгари, Ҳаракат уйғотар, вақт йўқ уйқуга, Хаёлим олади илҳомбахш пари...

Бахтта тўймас бўлиб яшаркан инсон, Тўйдими, ўша кун тўхтайдик ҳаёт. Ер-кўкни тўлдириб десин беармон: Йилларга, кунларга шараф умрбод!

УЛУФ ЗОТ

“Эна, ойна, ая, аба, нана...” Бир сўз билан айтганда Она! Чақалоқнинг илк ширин сўзи, Энг биринчи у кўрар кўзи...

Турли номда, аммо ягона, Она меҳри бир қалбдан чиқар, Ўтга ошиқ гўё парвона, Болам дея жонини тикар.

Меҳнат унга дўсту дугона, Юмушидан топади роҳат, Товланади олтин остона, Ёйлади уйга барокат.

Фарзанларнинг доғини эмас, Кўрмоқ истар бахтиёрини. Юрагидан минг орзу-ҳавас, Унда кўрса эл дастёрини.

Бошга тушса мушкулди дамлар, Онажонни чорлаймиз алҳол Эслагандек Оллоҳни дарҳол, Ва ташлаймиз дадил қаламлар.

Онларни қилинг эҳтиёт, Бахтимизнинг у дурдонаси. Энг муқаррам, энг мўътабар зот, Ўзбекларнинг шундай онаси!

ФИЛОН

Адирларни оралаб ўтиб, Чикқан каби гўё осмонга, Асрларни оралаб ўтиб, Етиб бормоқ керак Филонга. Бир-бирига суяниб турган — Уйлар асли банду банд эдир. Одамлари бир буюк содда, Ошиқдилу донишманд фельдир. Бу қишлоққа адашиб келган Инсон бўлар энг азиз меҳмон. Том бошига югуриб чиққан Тандирлари узатади нон. Чашмалари юрагинингизнинг Фамларини кетсалар чайиб, Хурлар ювган кўйлагингизни Офтобруйга кўйишар ёйиб... Кечалари Ойсунасида Нурлар ичиб юлдузлар билан, Қанотингиз ўса бошлайди Суҳбатлашиб кундузлар билан... Қайда эди беқишг, изламанг Минг бир кеча афсонадан, Жаннат асли бошларан Филон Тош йўллари остонасидан.

ОТА ЮРТ

Қайлардан бошларан тарихинг, Ватан? Балки Момо Ҳаво эрталаридан. Балки Одам Ато қадам кўйган ер, Ё Ўрхун-Энасой битикларидан? Балки юз миллион йиллар илгари Одамзод қавмининг қадим жонидан? Тешиктош ғоридан, ё ундан нари Тупроққа тўкилган қишлоқ қонидан. Сопол синиклари, ғишт парчалари Булар тилсиз мозий ташлаб кетган хат. Ҳар бири бир сарой, ҳар бири кўрғон, Ҳар бири дунёни титратган давлат. Сахро тишларида гижирлайди қум, Зардўшт ўчоғида гурлаган ўтда, Дунё тамаддуни оташдонидан Биргина чўғ излаб келади Будда! Ер ютган қалқалар, тупроқ тепалар Неча минг асрлик ҳамроҳи ойининг. Балки илк мусаввир, балки илк шоир — Ўткир қоялари Зарзубсоининг? Адашиб кетаман, остоналардан Бостириб келаркан пойғир асрлар. Кўларим теккан ҳар вайронлардан

ҚАЛБИМГА ЧУҚУРРОҚ ОТАСАН ИЛДИЗ

Зебо МИРЗАЕВА



Тиклана бошлайди олтин қасрлар. ...Қайлардан бошларан тарихинг, Ватан? Балки Бойчиборнинг қанотларидан, Овозинг келади гоҳ ер қаъридан, Гоҳида Алпомиш баётларидан! Қанча узоқ кирсам бағрингга шунча Чуқурроқ қалбимга отасан илдиэ. Тобора порлайди осмон токида Сенинг номинг билан ҳар битга юлдуз! Эй улдуғ давронлар бунёдкори халқ, Мағрибу машриқнинг буюк қарвони. Уммонлар тўсмас эди йўлингни, Айланиб чиқардинг бутун дунёни! Эй Тангри назари тушган ота юрт, Ҳар он, ҳар зарраси сийлаган тупроқ. Учар аргумоқлар изидан пишиб, Валийлар руҳидан ийланган тупроқ. Сенга соҳиландир шаҳидлар ҳоки, Сенга ёйиландир Кавсар булоғи.

Шу боис сен Фирдавс боғисан, ёки Сендан олингадир жаннат тупроғи! Йўқ яна адашдим, қулочим ёйсам, Нега дил қанотим йиғмайсан, Ватан? Сенинг илкинг етган сарҳалларингни Чизсам харитага сиймайсан, Ватан! Кўкдан бошланмаса агар манзининг Қонот бағрини этаримдинг билд. Бутун ер юзининг эди сайқали, Бутун самолардан боқар Самарқанд! Томирларинг излаб томирларимдан Балки ўз-ўзимга етянман, Ватан! Сенга аталган шу бошимни олиб, Сенинг юрагинга кетяйман, Ватан.

ОНАМГА

Оқ сочлари оппоқ тун унинг, Умри ҳалол ушққа байроқдир. Оқ, юзлари, унинг бу дунё Гўзалдан чиройлироқдир.

Бўлолмадим ҳассасичалик, Отам дардин кўтарган моҳим, Ушоққина онам кўнглига Бир ҳовуч нур бергил, илоҳим!

Ўзи потраб чиққан чашмадай Ёнингиздан оққан-у, кетдим. Ўзгаларга дарё тутдим-у, Оҳ, онам-а, сизни унутдим.

Қалдирғочлар мендан яхшироқ, Бахт тўкади ҳур кучоғига. Мен ҳам унинг тирноғиман-у, Арзимайман лек тирноғига!

Исмалоқлар бўйини тараб, Баҳор шошса юрган жойига, Раббим, мени гул қилиб ярат, Ҳеч бўлмаса унинг пойига!..



вижонини ташлаб кетмайман! Мен у кишини шунчалар яхши кўраманки, сиз тасаввур ҳам қилолмайсиз. Шаддод қиз “хатто, сиздан ҳам ортироқ яхши кўраман”, демоқчи эди-ю, айтолмади, тили бормади! У Собиржонни “бокира бир хислар билан севарди. Севарди-ю, икки ўт орасида қолганди. Ва ўзининг шубҳа-ғумонлари, иккиликларини ноз пардаси билан бекитар, йигитга рад жа-вобини бермоқчи бўлиб, юраги қонларга тўларди. Унинг сўзлари-ни гул панасида тинглаб ўти-рган буйжони ҳамон кўз ёшларини тиеълмас, лаблари “рози бўлақол, қизим, сен учун тақдир-нинг барча ситамларига чидай-ман” дея пичирларди. Хўрозлар қичқира бошлади. Бўйноқ ҳам бостирма томондан норози увиллаб кўярди. У ҳар тун буви-невара уйқуга ётмагун-ларича шитир этган товусга қулоқ тутиб, безовта бўларди.

Жўра ФОЗИЛ

ҚИЗ БОСАННИНГ БАХТИ

Яқин ўтмиш ҳақояси

Сиз ёлғиз ўғил бўлсангиз, мен ҳам ёлғизгина қизман, билдингизми? Қари бўвминим кимга ташлаб кетаман, буни ўйлайсизми? Ахир, у киши “кўндоқда” лигидан тишларида тишлаб катта қилдилар-ку! Неварасининг сўзларини аниқ-тиниқ эшитаётган Шаҳодат бувининг кўз ёшлари шаш-қатор эди. Болагинаси уни шунчалар аяр, шунчалар яхши кўрар экан. Кампир юрагида туғён ураётган қарама-қарши хисларни жийовлаш учун атир-гулга нигоҳларини қадади. Ҳа, қизгинининг юрагида илк муҳаб-бат ана шу ёввойи гулдек очил-ган, ҳозир хато қилиб қўйиши ҳам мумкин. Кейин бир умр пушаймон қилиб юради...

Ҳар икки муштипар уйқуга кет-гач ҳам бошини оёкларига қўйиб, мудраб ўтирарди. Шу боис яқин атрофдаги жониворлар бу ховлини четлаб ўтишга мажбур бўлишарди. Шу беором тунда Бўйноқ шўрлик жуда жонсарак бўлди. Эгалари ҳамон ухлагани ётша-мади, устига-устак кампир гул-панасида бекиниб ўтирибди. Со-биржон билан Саодат бўлса, ҳеч нимадан хабарсиз баралла баҳслашишарди. “Эҳ, одам ҳам шунчалек эҳтиётсиз бўладими?!” афсус чекарди Бўйноқ. У чор-боғдаги шарпаларнинг хидини, ҳар бир гап-сўзини туйиб турар-ди гўё.

Шаҳодат буви бекинган жойи-дан чиқиб, “Ҳой, болам, мен бил-ла ишинг бўлмасин, амаллаб ку-нимни кўрарман, ўз бахтингни ўйла”, дегиси келди. Лекин ўзини зўрга тийди. Айб бўлди. Кўёв бола бу мияси айинган кампир гап ўғирлар экан-да, деб ўйламайди-ми? Кайтага, болажониним уягга қўйман-ку” ўйлади у. Ва яна суҳ-батга қулоқ тутди. Собиржон ҳамон зўр бериб қайсар қизга гап уқтирмоқчи бўларди. — Тушунсанг-чи, сен қиз бола-сан, қиз бола эса бировнинг хас-ми. Барибир бир кунмас, бир кун-бувингни ташлаб кетасан-ку!

Ҳар икки муштипар уйқуга кет-гач ҳам бошини оёкларига қўйиб, мудраб ўтирарди. Шу боис яқин атрофдаги жониворлар бу ховлини четлаб ўтишга мажбур бўлишарди. Шу беором тунда Бўйноқ шўрлик жуда жонсарак бўлди. Эгалари ҳамон ухлагани ётша-мади, устига-устак кампир гул-панасида бекиниб ўтирибди. Со-биржон билан Саодат бўлса, ҳеч нимадан хабарсиз баралла баҳслашишарди. “Эҳ, одам ҳам шунчалек эҳтиётсиз бўладими?!” афсус чекарди Бўйноқ. У чор-боғдаги шарпаларнинг хидини, ҳар бир гап-сўзини туйиб турар-ди гўё. Ёшлар ҳамон бахшлашишар, лекин Саодатнинг овози энди хийла мулойимлашган, буни Ша-ҳодат буви ҳам сезиб турарди. — Майли, кўпам олиб дийда қилаверманг. Бувим билан бир гап-лашга кўрай-чи, нима деркин-лар... Шаҳодат бувининг юраги ҳап-қираб кетди. “Мен розиман, бу-вижонинг рози, болагинам!” Кам-пир кўз ёшларини енгининг учи билан арта-арта, сездирмай гул-панасини тарқ эди. Унинг сўри томон ўтганини кўрган Бўйноқ бироз хотиржамланган бўлса-да, Саодат йигит билан хайрлаша-гунча жонивор қулоқларини ди-кайтириб тураверди...

Паҳса деворлар, тераклар ор-тидан каттақон гулоби қовунга монанд ой кўтарилмоқда. Унинг майин нурлари тун сукунати-га фарқ бўлган боғларга алла айтар, қишлоқ эса ухлашни истамаган болакайга ўхшаб хархаша қилар, ҳамон уйғоқ эди. Улкан қари тун остидаги сўри-да тун сукунатиға қулоқ тутиб ўтирган Шаҳодат буви димоғида киргойи қилади:

Шамол эшик очади, ёрим бодом сочади, Сочма, десам сочади, қулади-ю, қочади...

Чорбоғдан эрта пишар ўрик хиди келади, даррахт ўчлари жав-зо тунининг иссиқ эпкинидан теб-раниб, мевалар “тўп-тўп” этиб ерга тушади. Чорбоғ адоғидаги бостирма томондан итнинг йиғ-шигани эшитилади.

Шаҳодат буви хушёр тортиб ўриндан турди. “Эҳ, эсим курсин, бечора. Бўйноққа ҳеч нима бер-мабман-ку!”

Кампир ошхона чиройини ёқиб, овқат сарқитлари ва яна аллани-маларни олди-да, бостирма то-мон кетди. Бўйноқнинг қадам то-вушини таниб, бўйнидаги зан-жирни шилдирлатганича иргиш-лай бошлади.

— Ҳа, Бўйноқжон, оқ қолдингми? Ахир, мен ҳам борман, деб қўймайсаним бундоқ? Майли, за-рари йўқ, сен ҳам менга ўхшаб қартайдинг-да. Вовуллашга ҳам мадоринг йўққа ўхшайди.

Шаҳодат буви олиб келган емакни беимнат содиқ қўрқич-сининг олдиға ташлади. Ит ҳам миннатдорлик билдиргандай, эга-сининг оёкларига тумшугини урди. Кўнгли ийиб кетган кампир-нинг кўзлари ёшланди. “Эҳ, шу жонивор ҳам меҳрин сезади-я...”. Бўйноқ иштаҳа билан суяқ гахшашга тушди.

Шаҳодат буви ёлғиз ўғилдан ёдгор бўлган невараси Саодат билан қишлоқ чеккасидаги ҳовли-да яшар. Бўйноқ эса уларнинг ёлғиз ҳамроҳи эди.

Бу ховли соқисси бир вақтлар жуда бақувват бўлиб, дайди ит-ларни ховлига яқинлаштирмасди. Энди эса қартайиб қолди. Еш ит-лар боқилани бир неча марта қонга белангунча талайвергач,

Шаҳодат буви уни бегона қўлардан пана қилди. Бир умр эмин-эркин юрган Бўйноқнинг тутқунликка қўничи-ши қўйин бўлди. Лекин жонивор очикда ораверса, оқибати нима бўлишини тушундими, ҳарқалай, тақдирга тан берди. Бироқ ба-рибир эгасини кўрди дегунча мунгли кўзларидан ёш тирки-рар, унга қараб кампир ҳам йи-глаб оларди. “Бўйноқжон, чида! Мана, мени кўр, бир умр шу хо-надонга боғланганман. Ҳеч қаёққа кетолмайман. Хатто ома-натини топширишга ҳам журъ-тим йўқ. Ахир, менсиз нима қиласизлар? Кўзимнинг оку қораси Саодатгинам қандай ашайди? Бу етимчанинг фами-ни ким ейди?”

Саодатнинг ота-онаси далада пахта тараётганларида, самолёт устларидан дори селиб ўтгач, бир кечанда вафот этишган. Эри уруш-дан қайтмаган Шаҳодат буви тақ-диринг бу зарбасидан ҳамон ўн-ланолмасди. Буй этиб, қишлоқ йигитларининг кўзини куйдириб юрган қиз ҳам бувисини ўйлаб, эрга теголмасди. Эшик турмини бузаётган совчиларнинг ҳаммаси қуруқ қайтар ва бу “қиз боланин-нози”га йўйиларди. Шаҳодат буви неварасининг кўнглига қараб со-вчиларни қуруқ қайтарса-да, ичи-дан эил кетиб кўярди.

Занжирбанд эса-да, бечора Бўйноқ ўзининг азалий вазифа-сини сидқидил адо этар, ховлида-ги икки муштипарни кўзининг оку қорасидек асарди. Лекин жони-ворнинг бир кўсури бор эди. Уша, Саодат ноз билан куйдириб юр-ган тракторчи йигит девор оша боғ адоғига келганда сира ақил-ламас, юовш тортиб, чала кесил-ган тўмтоқ думини худа-беҳуда ликиллатаварарди. Жонивор эга-сига хиёнат қилаётганидан улар, бироқ Саодатни фош қилишни истамасди.

Хозир ҳам Шаҳодат бувиға ял-тоқлик қилиб, суяқ гахжётган Бўйноқ икки ёш боғ адоғидаги ўрик тағида суҳбатлашаётганини яхши билар, аммо эгаси ҳам бу сирдан воқиф эканидан хабарсиз эди.

Баландлаётган ойнинг ҳарир нурлари чорбоқни мунаввар эт-ган, у ер-бу ерда хураётган итлар товуши тунининг сукунат лардаси-

ни йиртгандек бўлар, энди қор-нини сал тўйғазиб олган Бўйноқ ҳам эринибгина, ҳужажқоринга ақиллаб кўярди. Унинг вовуллаши-да қўшни итлар — ҳамжинслари-ни қувватлаш, кечки овқат учун эгасига миннатдорлик ва шунинг баробарида Собиржонни чўчитиб юборишдан андак ха-вотир ҳам бор эди.

— Ҳай, майли, Бўйноқжон, энди мен ухлайман. Кун бўйи ивирсиб, чарчадим. Кампир ҳақиқатан ҳам жуда чарчаган, этиб ором олгиси ке-ларди. Лекин невараси ёнига келиб ётма-гунча кўнгли жойига тушармиди?.. Шаҳодат буви уйи томонга эмас, боғ адоғига қараб кетди. Бўйноқ унинг ортидан норози ғин-ғишиб, ер тирнаб қолди.

Кампир бироз юргач, паҳса девор ёқалаб ўсган ёввойи атир-гул панасида тўхтади. Девор ош-тан атиргул кийғос очилиб ётар-ди. Унинг муаттар ифори этилиб-пишган ўрик хидига қўшилди, ди-моқчи қитиқлар, Шаҳодат буви бунни сезмас, унинг бутун диққат-эйтибори ўн-ўн икки қадам на-ридаги каттақон қари ўрик со-ясидидаги икки шарпада эди. Ҳўнғир-ҳўнғир суҳбат қулоққа бе-малол қалингарди. Бояқишлар суҳбатларига биров қулоқ тути-ши мумкинлигини хаёллариға ҳам келтиришмасди. Ахир, сак-сонни қоралаган кампир бу пай-да чарчаб, ухлаб қолган бўлиши керак эди-да.

Хуллас, ширин суҳбат авжиде, кампир эса оғирлашиб қолган қулоқларига зўр берар, ўзининг ўн-саккизи ёшини, уруш арафасида бўлиб ўтган камтаргина тўйини, чимилдиқда кўёвнинг оёғини қан-дай босганини эсларди. Эсларди-ю, кўз ёшлари ўз-ўзидан қуйи-либ келар, неварасини келинлик либосида кўришни жуда-жуда ис-тарди.

— Саодат, сенда инсоф борми, ўзи? Ахир, қачонгача мени қий-найсан? — йигитнинг товуши жуда надоматли эди.

— Хо-о-о, бу кишини қаранг-лар... Ким сизни қийнабди? Узин-гиз гапга кўнмасангиз, мен нима қилай?.. — Гапга қўнмайсиз эмши. Се-

нинг гапинг қўнадиган гап эмас-ини сал тўйғазиб олган Бўйноқ ҳам эринибгина, ҳужажқоринга ақиллаб кўярди. Унинг вовуллаши-да қўшни итлар — ҳамжинслари-ни қувватлаш, кечки овқат учун эгасига миннатдорлик ва шунинг баробарида Собиржонни чўчитиб юборишдан андак ха-вотир ҳам бор эди.

— Ҳай, майли, Бўйноқжон, энди мен ухлайман. Кун бўйи ивирсиб, чарчадим. Кампир ҳақиқатан ҳам жуда чарчаган, этиб ором олгиси ке-ларди. Лекин невараси ёнига келиб ётма-гунча кўнгли жойига тушармиди?.. Шаҳодат буви уйи томонга эмас, боғ адоғига қараб кетди. Бўйноқ унинг ортидан норози ғин-ғишиб, ер тирнаб қолди.

нинг гапинг қўнадиган гап эмас-ини сал тўйғазиб олган Бўйноқ ҳам эринибгина, ҳужажқоринга ақиллаб кўярди. Унинг вовуллаши-да қўшни итлар — ҳамжинслари-ни қувватлаш, кечки овқат учун эгасига миннатдорлик ва шунинг баробарида Собиржонни чўчитиб юборишдан андак ха-вотир ҳам бор эди.

Юртимизда фольклор йўналишида ижод қилувчи ансамбллар талайгина. Бугунги кунда миллий рақслари, халқчил кўшиқлари билан муҳлислар меҳрини қозонган бадий раҳбари орасида "Шалола"нинг ҳам алоҳида ўрни бор. Ансамбл қизларининг либосларидан тортиб оддий зиракларидан ҳам Сурхон замини нафаси уфуриб туради. Самимий, дилга яқин кўшиқларда қизил лолага бурканган Бойсун адирларининг шуҳудини ҳис этасиз.

Фолклор дастасининг илк қадамлари ўтган асрнинг 60-йиллари ўрталарида тўри келади. "Шалола"га қадар вилоятда бирорта ҳам шунга ўхшаш жамоа фаолият юритмаган. Бу хайрли ишга халқ орасида "уста гижжакчи" номи билан танилган соҳнада Қасим Абдуллаев, раҳматли устоз мураббий Зикр Умаров бошчилиги қилинган. Дастиаб ансамбл "Баҳор" деб аталган.

БОЙСУННИНГ "ШАЛОЛА"СИ



"Шалола" ўз услубини топшиш учун маълум вақт асосий эътиборни истеъдодли ёшларни излаб топшиш, миллий қадриятларимизни тарангум этувчи кўшиқ ва рақсларни репертуарга киритишга қаратди. Шу билан бирга ташкилотчилар олдида ансамблининг бадий қиёфасини шакллантиришдек мураккаб вазифа турарди. Айниқса, либос танлаш масаласига алоҳида эътибор берилди. Бойсунлик тўқувчи хунармандлар томонидан тайёрланган олча, бекасма каби матолар бадий жамоа қиёфасига ўзгача жило бахш этди.

Ансамблининг чет мамлакатларга биринчи сафари (бадий раҳбари Ҳабиб Умаров) Поляга тўри келди. Жамоа Закопане шаҳрида ўтган тоғли ўлкаларнинг саккизинчи жаҳон фестивалида фахрли иккинчи ўринни кўлга киритиб, "Кумуш болта" соврини билан тақдирланди. Фестивалда иштирок этган кўпгина мутахассислар бойсунлик ёшларнинг қиёфасига алоҳида диққат қарашди. Айниқса, ҳаракатларга бой Сурхон рақслари томошабинларда чўқур таассурот қолдирди. Кейинчалик ансамбл Англия, Франция, Германия, Голландия, Туркия каби мамлакатларда ҳам мажоратини намойиш қилди.

"Шалола"нинг мустақиллик йилларидаги фаолияти заворилли, ёрқин саҳифаларга бой. Номдодий меросимиз намуналарини қайта тиклаш ва ривожлантириш борасида амалга оширилган кенг қўламли ишлар фолклор жамоалари ижодида ҳам туб ўзгариш ясади. "Истиқлол биз учун биринчи навбатда азалӣ орзуимиз — ижод эркинлигини тўғай азда, — дейди дастаннинг етакчи аъзоларидадан бири Сайёра Қосимова. — Илгари ҳатто саҳнага бойсунча дўпчин кийиб қишига ҳам ҳадиксирар эдик. Шукурки, бундай кунлар ортда қолди. Услуб ва мавзулар борасидаги барча таққиллар олиб ташланди. Бугун ўз репертуаримизни мустақил тузиш, миллий фолклоримизнинг энг қадимий намуналарини жаҳон саҳналарига олиб

Очил ПАРДАЕВ

Танашув

(Муқимий ғазали), "Мўғилчаи наво" (Фузуний ғазали) каби ашулалар унинг ижросида қайта тугилди, жилоланди.

У маълум бир мuddат "Тановар" ва "Мақомчилар" ансамблида хонанда сифатида фаолият кўрсатган чоғида мумтоз куй-кўшиқларимиз, тўқ оҳангларимизнинг ижро усулини сақлашда жонбозлик кўрсатди. Кўпчиликка маълумки, Соатий ғазали билан айтилмаган "Сўлим" кўшиғи устозлар ижросида ўзгача жаранглаган эди. Маълумотларга қараганда, бу кўшиқ бир пайтлар Алишер Навоий номидаги катта театрининг етакчи хонандаси Қобил қори Сиддиқовга атак ёзилган. Бир қанча вақт ўтиб хонанда "Сўлим"ни кўйлаб вафот этган экан. Шерали Раҳмонов кўшиқка қалб қўри ва меҳрини бериб қуйлади. Унинг овозида устоз санъаткорнинг нолалари,

дардлари яширингандек... Хонанда билан учраганимизда яқинда Чустий ғазали билан айтилган "Хайр энди" кўшиғини ёзиб тугатганини айтди:

Бугун умрим давомида айласам хизмат адо бўлмас, Элин шод этмаган ул қимсадин халқи ризо бўлмас. Ҳар ҳар қандай бўлсам ҳам, қўнгул сиздин жудо бўлмас, Қилурман ваъдага доим вафо, қўргунча хайр энди.

Ҳаёт иқир-чикирларига ўралашиб, қулқоқни қоматга келтириувчи бақир-чақир кўшиқлардан толиққан руҳимиз халқ ашулаларини соғинганимизда дилчи ўртагучи гўзал ижроларимиз борлигидан қўнғилимиз таскин топади. Уларда ўзимизни, ўзлигимизни топамиз. Бетақор оҳанглардаги нолалар, нозик қочиримлар қалб наволарига айланади. Мумтоз кўшиқларимиз умрбоқийлиги сири ҳам шундадир балки.

Матлуба ТЕМУР қизи

МАДАНИЙ ҲАЁТ

"Буёқ ва муқаддасан, мустақил Ватан" шиори остида ўтаётган маънавий кунларида кино-ижодкорлар ҳам фаол қатнашмоқда. "Ўзбекино" миллий агентлигининг навбатдаги тадбири Қашқадарь вилоятида бўлиб ўтди. Қарши шаҳрида, Ғузор, Яққабоб, Шаҳрисабз туманларида ўтган "Ўзбек миллий кино кунлари" доирасида бир гуруҳ таниқли санъаткорлар меҳнат жамоалари ва маҳаллаларда муҳлислар билан учрашди. Тадбир давомида ўзбек кино иждоқорлари томонидан суратта олинган бир қатор бадий ва ҳужжатли филмлар намойиш этилди.

Дырабо САЙДАТНОВА

чиқиш имконига эгамиз".

Шу йиллар ичида ансамбл репертуарида фолклор асарлар қатори анъанавий-мумтоз ижрочилик намуналари ҳам пайдо бўлди. "Қошин қароси" (Лутфий ғазали), "Фидо", "Қаро кўзим", "Таснифи рости" (Алишер Навоий ғазаллари), "На қилдим" (Хувайдо ғазали) каби ашулалар кўпчиликка манзур бўлди. Шунингдек, ёш иқтидорларни тарбиялаш мақсадида ансамбл қошида "Қуралай" болалар фолклор-этнографик дастаси (бадий раҳбари У.Йўлдошев) ташкил этилди. Қисқа мuddат ичида бу даста мамлакатимизда ўтказилган бир қанча танловларда совринли ўринларни кўлга киритишга муваффақ бўлди.

2004 йил кузига Франция пойтахти Парижда ўтказилган Урта Осиё маданияти кунларида Қ.Абдуллаев, У.Умаров, У.Туробов, Ш.Болтаев каби бойсунлик талантлар совринли ўринларни эгаллаган бўлишса, Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллигига бағишланган "Самарқанд сандолари" республика кўрик-танловида хонанда Умид Туробов яқка кўшиқ йўналишида биринчи ўринни эгаллади. Ансамблининг юртимизда ЮНЕСКО ташаббуси билан ўтказилган "Бойсун баҳори", Термиз шаҳрининг 2500 йиллигига бағишланган байрам дастурлариди қишиқлари ҳам эътирофга лоик.

Жамоа ёшларининг кўпи эл назарига тушиб, турли мукофот ва фахрий унвонлар соҳиби бўлишди. Улар орасида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Қасим Абдуллаев, Холик Хурсандов, хизмат кўрсатган артистлар Сайёра Қосимова, Сайёра Қосимова каби хонандалар бор. Шариф Бўриев, Собир Бадриддинов, Омон Бўриев, Наим Орипов каби ёшлар вилоят мусиқали драма театри актёрлари сафидан ўрин олишди.

"Хозир репертуарни янгилашни режалаштириб турибмиз, — дейди ансамбл бадий раҳбари Ҳабиб Умаров, — назаримда, миллий кўшиқ ва рақсларни замонавий талқинда яратиш вақти келди. Шу мақсадда эстрада ҳамда халқ ижрочилик жанрларини ўзаро бirlаштиришга ҳаракат қилмоқдамиз. Албатта, ансамблининг узоқ йиллардан бери сақланиб келаётган анъаналари ҳам унутлаётгани йўқ. Айни пайтда қадим-қадим мавхуд бўлган ноёб халқ рақсларини тиклаш бўйича изланишдамиз".

Бугун ансамблдаги ижодий жараён авж палласида. Жамоа юртимиз мустақиллигининг 20 йиллик тўйига катта тайёргарлик кўрмоқда. Шу муносабат билан бир қанча янги рақслар, Ватан мавзудаги бир-биридан гўзал кўшиқлар яратилди. Минг бора эшитганидан бир бора қўрган афзалроқ, дейишди. Сизни мўъжизасини оҳанглари, бетақор наволари юрти Бойсунга таклиф қиламиз.

Очил ПАРДАЕВ

КҲҲНА НАВО СОҒИНЧИ

Таниқли rassom Бобониёз Қурбоннинг "Уста Қурбон" картинаси реалистик анъаналар асосида ишланган биографик характерга эга асар. Ижодкор ота-онасининг кексалик давридаги дунёсини, улар яратган макон қадриятларини, маънавиятини аниқ тасвирлар орқали тарангум этди.

Уста Қурбон картина марказида — ўзи ясаган курсичага ўтирган ҳолда бор бўй-басти билан тасвирланган. Унинг қиёфаси ўйчан ва бир қадар маънос. Мана шу сирли нигоҳнинг сабаб-моҳияти томошабинни ўзига тортади. Rassom бутун картинадаги бошқа ҳар бир улғу-унсур ва тимсолларни қахрамоннинг ана шу ҳолатини, табиатини, фелъ-аторини очиб беришга хизмат қилди. Отанинг либоси гарчи қишлоқ одамлари ҳаётига хос, этнографик қадриятга эгаллиги билан ажралиб турсада, айни пайтда кийимдаги бинафша ва кўк, яшил, қора, йўл-йўл қалами ранглар, бошидаги шунга оҳангдош минаранг шаббўш (тунги бош кийими) рангтасвирини жонлантириб туради, хира тусланган нимдош тик қўйлак, малларанг чолвор, кирза этик, оқарган соқоли ва қоллари драматик ҳолатни янада кучайтиради. Rassom томошабин эътиборини қахрамоннинг ёнидаги чойнақлиёлага қаратади. Улар оқ рангда. Чолинғ лўқмаси ҳаммашало ҳалол бўлганини муаллиф ана шу буюмлар "зиммасига" юклайди. Картинадаги оқ ранг қахрамонларнинг юз-қўлида, аксарий либосларида жилваланиши, оқ шўълардан ҳовли эшиги ва уй томон янада ёрқинлашиб бориши — бу муборақ даргоҳ ризқу рўзининг покдомонлигига ишорадир.

Бир пийла чой ичишга шайланган-у, аммо ногўш қўнғилига келган қандайдир бир ўй-фикр тўфонидан ҳаёлга толган қария. Унинг ички ҳиссиётлари муаллифнинг ҳовлидаги тимсоллар, унсурлар ва осори-атиқаларни тасвирлаш тўғрисида ойдинлаша бошлашди. Ўзбек оиласида фарзандлар ташвиғио қувонч энг юксак қадриятлардан. Биз ана шу ҳис-туйғуларга фарқ қолмаганини ўз ҳовли ва боғи ўртасида кўрамиз. Улар шу уйда яшаган, шу ҳовлида болаларини катта қилишган, шу боғни яратишган. Бу гўша улар учун энг қадрдон, энг азиз.

Чолдаги ҳадик ва ички ҳаяжон унинг умр йўлдошига ҳам юққан — у эрининг тўсатдан, ҳаёл суриб қолганидан бир қадар қўнғин. "Нима бўлди бу чолга" дегандай, қўнғиндаги сўт-қадиси ҳавода кўтарилган тарзда, орқароқда тик турган ҳолда қотиб турибди. Ҳовлига ярашган оқ рўмоли, қирмизи камзули, оқ

бўйма пирпирак ёқали қўйлаги унути-лаётган миллий либоснинг намойиши бўлиб туюлади кишига. Унинг ёнида кўзи, у тумшугини осмонга қилиб, аёлдан сўт сўрагандай тамшаниб турибди. У нега она қўйга эмас, аёлга талпиниб турмоқда? Демак, аёл шу қўнғинча ҳам меҳрини берган, шу боис унинг атрофида парвона.

Ҳовли саҳнида боғ ва узум тоқларининг бир-бирига чирмашиб кетган,

"Ўзас" гаперекси

вайиш ҳосил қилган манзараси томошабин эътиборини тортади. Тоқларнинг ҳолати картинани янада жонлантиради, уста Қурбоннинг боғбон сифатидаги дунёсини яна бойитилади. Аммо бу тоқлар таналарининг тасвирини бошқа мазмун ҳам бор. Унинг эгри-бугри, минг бир чигал йўллари каби, ёнвирларда тоқларнинг занг таналари ҳар муқомада шаклланиб ўсганлиги инсон умрига қийсда туюлади.

Токзордаги узумларга матодан хал-тачалар кийдирилган. Чумчуқлари турли қушлардан асраш, муҳофаза қилиш учун қилинган, болаларнинг насибаларини асраб турган бу усул ҳам чол-кампирининг фарзандларига меҳр-оқибати тимсоли. Асарда ҳар бир унсур, улғу чолнинг олами билан бевосита ёки бавосита боғлиқ эканини сезиш қийин эмас.

Ток зангиоясида йўл пойлаб, мушук ўтирибди. Унинг садоқатли нигоҳидан томошабин бу манзаранинг мағзини янада теран англай бошлашди. Мушук қанчонлардир ҳовлида бирга ўйнашган, пайти келиб бу ердан чиқиб кетган фарзандлар йўлини пойлапти. Бу уй ҳайвонининг дарди ҳам чолу кампир соғиничига ҳамоҳанг.

Картинанинг чол ва кампир тасвирланган қисмида ёрқин гардишни, қароғонлиқни кўрамиз. Ҳовли тўрида уй, кўча томонга қараган эшик, уларда ёрқин нурлар оқибтоб ранглар мўл. Унг томонда тандирнинг кимгадир мунтазир кўриниши, тепага осилган бешикнинг болалик хотираларини эсга солувчи ранглари, оиласдан, балки ана заманининг ўзидан келаётган қадимий наво — алланинг оҳанглари сингиб кетган ҳаво намоеён... Оссон эса кўринмайди, гўё у мовий пешайоҳга айлангандек.

Қахрамонлардаги дилғирлик ҳовлининг жимжитлиги билан ҳамоҳанг. Ҳовли саҳни турли бисотлари боғу роғлар, кўй-кўзи тасвири билан тўдирилган бўлса-да, аммо бағри бўшаб қолган бу инсонларнинг ички ва ташқи оламидаги туташ ҳолатлар картинанинг

етакчи мавзусига айланган. Асардаги буюмлар унсурлар ҳолатларининг турли хил ифодасида муштараклик бор, улардан соғинч деб аталмиш гўзал туйғу уфуриб туради. Албатта, картинада асосий гоё, етакчи мавзу қилиб, чолу кампирнинг қалб кенгликлари, ҳаётга, фарзандлару невараларга бўлган кексиз муҳаббатини олинган, улардаги соғинч тарангум этилган. Ҳовли саҳнидаги яхлит манзаранинг ҳар бир унсурини ана шу хислат яширинганини сезиб томошабин илк таассуротлардаёқ дарҳол англайди. Эндилқда бундай соғинч хисси нафақат чолу кампирда, балки томошабинда ҳам уйғона бошлайди, қадрдон уйга, униб-ўсган ҳовлига, ундаги барча бисоту мулкка, ота-онага бўлган бу қалб соғинчлари бизга ёрғу ҳайлар ҳаётида, олама, одамга янғича бир нигоҳ билан қарашга ундайди.

Ерининг хондон листа мағизи рангиде бўлишида ҳам ҳикмат бор, тирикликнинг, уруғнинг жонланиш жараёнида, унинг тамал тошида худди ана шу ранглар намоеён бўлади. Гарчи ҳазорезилик арафасида турган бу боғ ва ишқол манзараларида сариқ ва қизил, гижаранг, ёқутий рангларга мойил жилвалар сезилса-да, яшиллик оламнинг орасира кўриниб қоладиган сёрли мавжларини ҳали ўз жозибасини йўқотмагани эслипти туради. Табиатнинг бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтиши жараёнини илғаш ва тасвирлаш рангтасвирда энг мушук жараён.

Картинада rassomнинг рангларга жуда бой услубини кузатамиз. Унда заъфарон барглари, ложувард айвон шифти, бугдоёранг ва сомонранг бешик, гулгун анор... Қахрамонларнинг юз қиёфаларида заманининг қўнғиртоб ранг соялари, қузага хос қизил ва сариқ ранг аралашмасидан ҳосил бўлган минглаб туслар ёмғир... Уларнинг сокин мавжлариде ҳаёт деб аталмиш тирикликнинг ажиб бир наволари бор. Қалбларга ёрғулик, эзғулик олиб кирувчи бундай оҳанглари матода, рангларида яратиш билгани маҳоратни эмас, балки қалбда ёлқинланган, тафаккурда сараланган юксак туйғуларни ҳам талаб этади. "Уста Қурбон" картинасида rassom ана шу мақомада туриб ижод қилганини рангларида мажриладан, ҳавонинг мусаффо нафасидан, чизиларнинг фалсафий ундовларидан хис этиш мумкин.

Ҳаётнинг эпик манзараларини кенг тасвирлаш, картина жанрида асар яратиш бугунги кунда жуда камчил. Ҳовлига мўлжалланган, харидорлоб манзараларнинг урчиб бораётгани уларнинг бадий савиясига салбий таъсир кўрсатмоқда. Ана шундай шариқта Бобониёз Қурбоннинг "Уста Қурбон" картинаси ҳаётнинг шодлиғу қувончларини ифода этадиган ўзига хос асар бўлиб, миллий қадриятларга бойлиғи билан нақадар улғувор ва дилвардир.

Нодир НОРМАТОВ

СУРАТЛАРДАГИ МАНГУ ПАҲЗАЛАР

2005 йил Тошкент Фотосуратлар уйининг ташкил этилиши ўзбек бадий фотографиясини ривожлантиришда муҳим қадам бўлди. Унинг асосий фаолияти юртимизда фото санъатини жаҳон андозаси даражасига кўтариш, кўрик-танловлар, кўргазмалар, маҳорат дарслари, анжуманлар ташкил этиш, эски ва замонавий бадий фотосуратлар фондини яратиш, ёшларнинг фотография сир-асорларини билан таништириб, катта ижод майдонига йўлланма беришдан иборат. Бу жараён бугунги кунда янада кенгайиб бормоқда. Айниқса, БМТ ваколатхонаси билан ҳамкорликда халқаро фотосанъат фестивалларини ўтказишда, қатор тадбирларни амалга оширишда ташкилотчилик қилиш унинг нуфузини янада оширди.

Ҳозир Фотосуратлар уйида профессионал ва ҳаваскор фотосуратчилар ўз ижоди намуналарини намойиш этиши, ўзаро фикр алмашиши учун барча шароитлар мавжуд. Йил давомида эллика яқин республика, халқаро, шаҳсий, кўчма кўргазмалар ўтказиб келинмоқда. Турли мавзудаги кўргазмалар томошабинларга олам-олам маънавий озиқ бериб, кўнғилларга шодлик бағишламолда. Замон ва замондош тимсолларини таҳлил этишда В.Висоқийга бағишланган "Тоғдан яхши фақат тоғлар", А.Ка-

менскнинг "Қаерларда бўлмадик дейсиз", Турсун Алининг "Келажак ҳақида ўйлар" шахсий кўргазмалари санъат шайдола-рига манзур бўлди. Ҳаётнинг қай-тарилмас онлари нур ва соя чиз-гилари орқали бадий ифода-лаб берилишида гап кўп. Тасвир

жон юртимизнинг тарихий обидалари турли ракурсларда маҳоратли тасвирга олингани билан ажралиб туради.

Кўргазма залларида

Атроф-муҳитни асраш мавзусидаги "Авал силўэ-лари" кўргазмасида корейлик Сунг Нам-Хун ва ўзбекистонлик Турсун Алининг 80 та иши намойиш этилди. Ассон манзара жанридаги асарлар Орол фожеаси ҳақида ҳикоя қилибгина қолмай, балки табиатни асраб-авайлашга ҳам қорлайди.

— Фотосуратлар уйи ўзбек фото санъатини ривожлантириш ва тарғиб қилиш борасида яхлит дастур ишлаб чиққан, — дейди ушбу маскан директори Ж.Изентаев. — Унда юртимиз фотосуратларининг ижодий меросини ўрганиш, уларни тарғиб этиш бўйича амалий ишлар олиб бориш, ёш фоторассомларни қўллаб-қувватлаш, ёш иждоқорларни миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш каби вазифалар белгиланган.

2006 йилдан буён фото санъати мактаби фаолият юритиб келмоқда. Шу кунгача бу мактабин тугатган кўплаб ёшлар республика ва халқаро кўргазмаларда янғича руҳда бадий асарлари билан қатнашди. Тажрибали фото усталаридан Р.Шарипов, Х.Файзиев, И.Содиқов бадий фотография назария ва амалиётдан сабоқ беришмоқда. Яқинда мактабнинг тўққизинчи битирувчилари кўргазмаси намойиш этилди. Экспозицияда етмишга яқин турли мавзудаги ишлар тақдим этилган. Шоирона тасвирланган қайноқ ҳаёт лаҳзалари юракқа руҳий мадад беради, томошабинни беихтиёр гўзаллик оламига қорлайди. Донишманд Жаброн Халил ёниб айтганидай: "Гўзалликни кўриб хайратланиш ҳаётингизга маъно беради, бахтингиз булоқларини очади..."

Шавкат Тоиров, Динара Ерзина, Назира Боймуродова каби бити-

рувчиларнинг асарлари композицион ечимга эга. Бу эса, уларнинг фотомактабда олган билимлари самарасидир. Қолаверса, кўргазмадан мақсад ҳам турли услубий йўналишларда яратилган шаклан хилма-хил асарлар орқали иждоқорлар имкониятини намоеён этиш. Кўргазма ўзбек бадий фото санъати оламига бир гуруҳ орзулари юксак ёшлар дадил кириб келаётганини кўрсатди. Шу ўринда




Фотосуратлар уйида ўтган иккита ижодий-амалий анжуманга алоҳида тўхталиш жоиз. "Ўзбек фотосурати тараққиёти ва истиқбол" номи билан ўтган анжуманининг биринчиси ўтган йили июл ойида бўлган. Унда бугунги глобаллашув жараёнида фото-ижодкорларнинг ўрни ҳақида баҳо юритилиб, суратларда воқелик ҳолис ва ҳаққоний акс эттирилиши зарурлиғи таъкидлаб ўтилди.

Бу йилги иккинчи ижодий-амалий анжуман мустақиллигимизнинг 20 йиллигига бағишланди. Анжуманда мамлакатимизда фото санъатининг тараққиёти ва истиқболни йўллари билан боғлаш, бу санъатнинг маданий-маънавий битирувчилари кўргазмаси намойиш этилди. Экспозицияда етмишга яқин турли мавзудаги ишлар тақдим этилган. Шоирона тасвирланган қайноқ ҳаёт лаҳзалари юракқа руҳий мадад беради, томошабинни беихтиёр гўзаллик оламига қорлайди. Донишманд Жаброн Халил ёниб айтганидай: "Гўзалликни кўриб хайратланиш ҳаётингизга маъно беради, бахтингиз булоқларини очади..."

Шавкат Тоиров, Динара Ерзина, Назира Боймуродова каби бити-

Султонбой ДЕҲҚОНОВ, Бадий иждоқорлар уюшмаси аъзоси



М.КАРИМОВА

Ҳамзатов ҳазинаси

Дунёдаги ҳар бир шоир-ёзувчининг сөржира ижодини тўла намён этадиган асарлари бор. Алишер Навоийнинг «Ҳамса»си, Шота Руставелининг «Йулбарс терисини ёнган пахлавон» достони, Вильям Шекспирнинг «Кирол Лир» драмиси, Лев Толстойнинг «Уруш ва тинчлик» эпопеяси, Абдулла Қодирийнинг «Уткан кунлар» романи ана шундай асарлар сирасига киради. Шубҳасиз, «Менинг Догистоним» бадиаси ҳам таниқли авар шоири Расул Ҳамзатов ижодий баркамоллигини тўла намён этадиган беназир асар.

Ҳассос шоирнинг Ватан, тил, миллат, одам, халқ, урф-одат ҳақидаги фалсафий мушоҳадалари, пурмаъно шеърлари, фақат ўзигагина хос баъдий ўхшатишлари, топилдик, ташбеҳлари, ибратомуз кўрган-кечирганлари, авар, умуман, Кавказ ва



жаҳон халқлари ҳаётдан олинган ривоятлар, ҳикоятлар ва ҳикматлар руҳига йўғрилиб кетган. Улар китобхон қалбига Ватанга муҳаббат, миллий қадриятлар садоқат, урф-одатларга ҳурмат туйғуларини уйғотади. Шу боис асарнинг биринчи китоби нашр этилиши билан (1967 йил) китобхонлар ўртасида машҳур бўлиб кетди ва қўллаб ҳажон тилларига таржима қилинди. 1971 йили асарнинг иккинчи китоби нашр этилди.

Истеъдодли шоир Асрор Мўмин бир неча йиллик ижодий изланишлардан сўнг «Менинг Догистоним» асарини она тилимизга тўлиқ таржима қилди ва асар «Тафаккур» нашриёти томонидан яхлит китоб ҳолида нашрга тайёрланди. Тез орада китобхонлар қўлига етиб борадиган ана шу китобдан саралаб олинган ибратли ҳикмат-ибораларни адабиёт ихлосмандлари эътиборига ҳавола қилмоқдамиз.

Одам тилга кириши учун икки йил кифоя, лекин тилини тийиб туришни ўрганиши учун олтимиш йил керак бўлади.

Ҳар бир одам болалигидан ўз халқининг вакили бўлиш учун дунёга келганини билиши ва шу шарафли вазифани зиммага олишга ўзини тайёрлаши керак.

Ҳеч бир ёзувчи фақат ўз миллати қувонч-ташвишлари билан чегараланиб қўла олмайди. Унинг қалбини ҳамиша умуминсоний қувонч-ташвишлар ҳам безовта қилади.

Айримлар ўйлайдики, катта мавзуларга қўл урсам бас, дарҳол буюк бўламан, деб. Аммо буюкликнинг замини оддийликда. Ахир, бир томчи ёмғирда бутун бир селнинг кучи бор.

Ўткир фикрни жўн ифода этиш, қўзичоқчи оқ бўрига рўпара қилишдай бир гап.

Тилни ўрганмасдан шеър ёзишга уринган одам сузишни билмасдан ўзини саркаш дарёга ташлаган телбага ўхшайди.

Бировнинг отини қанча минма, барибир эгардан тушиб отни эгасига қайтарасан.

Оилада севиғи қанча кучли бўлса, соғлом бола туғилиш эҳтимоли шунча кўп.

Ўтмишга тўппончадан ўқ узсанг, келажақ сени тўпга тутлади.

Бургут товуқлар орасида бемалол юрверса, у бургут эмас.

Яхши иш қилмаган бўлсанг ҳам — яхшилик қилиш ниятинг бўлгани учун ташаккур!

Ёғочдан қилинган пичоқ қанча чиройли бўлмасин, жўжани ҳам сўя олмайсан.

Онам бешигимни тебратиб айтган алла қулғими тағида жарангламаган бирон кун, бирон дақиқа бўлмаган, десам, муболаға эмас. Бу алла менинг барча қўшиқларимни аллалаб улғайтирди.

Баъзан одамлар миясида фикр бўлгани учун эмас, тилининг учи қичиб тургани учун гапиришади.

Тоғлик она ҳеч қачон қондаси бузилган шеърни жигарбандига ўқимайди.

Одамларнинг тиллари ҳар хил бўлиши мумкин, лекин юраклари бир хил тепса бас.

Биз Ватанни танламаймиз, чунки Ватан бизни аллақачон танлаб бўлган.

Ўзга мамлакатлар, ўзга халқлар ҳақида ёзган яхши, агар сен ўзлигингни топиб олган бўлсанг.

Қўшиқ айтишни ўз уйингда ўрганмаган бўлсанг, уйингдан узоқда қандай ўрганасан?

Феъл-атворимга хос сўзлар бўлсин.

Она юртни севиш роҳати, она юртни қуйлаб завқланиш роҳати Ҳамзат Цадаса ҳаётининг мазмуни эди.

Ҳамзат Цадаса оддий меҳнаткаш эди, қалбига авар халқининг шаъни ва қадриятлари яшарди. У шу фазилатларни пок сақлашни шараф деб билди.

Шоир — ўз шеърларининг уйи, шоир юраги — шеърят истироҳат қиладиган жой.

НОМДАН УЛУҒ, ҲАЁТДАН АЗИЗ НАРСА ЙЎҚ

Керакли нарсани умринг бўйи изласанг ҳам омад қулган лаҳзадагина топасан.

Ёзувчи бирор мавзунинг бошини тутар экан, фақат юрак амрига қулоқ солиши лозим.

Догистон — менинг муҳаббатим, менинг келажагим, менинг тавбам, менинг ибодатим! Догистон — ҳаётимнинг мазмуни, барча шеърларимнинг бош мавзуси.

Албатта, қушлар сайраб туриши керак, лекин уларнинг асосий вазифаси уя қуриш, овқат топиш, полапонларини боқишдир.

Нафосат, яхшилик, раҳмдиллик, муҳаббат, гўзаллик, ватанпарварлик, ифтихор, нафрат каби тушунчалар туйфайли шеърят пайдо бўлганидай, бу тушунчалар шеърят туйфайли улуғвор. Улар шеърятсиз, шеърят уларсиз мавжуд эмас.

Ким жангга қираётган вақтда оқибатини ўйласа, ботирлик кўрсата олмайди.

Шеърят ва сафсатабозлик бошқа-бошқа нарса.

Китобим, сен тантанали қабул маросимларидаги кишиларга ўхшама. Сенда таомилдаги сўзлар эмас, майли, фақат менинг

Умримнинг яхши ва ёмон кунларида ҳам улар менда яшайди. Мен қайда яшайман, бу улар учун муҳим эмас.

Қаср ҳеч қачон товухонани, товухона эса ҳеч қачон қасрни эсга солмаслиги керак.

Дунёда бир-бирига ўхшаш иккита истеъдод бўлмайди, агар бир-бирига ўхшаса истеъдод аталмайди.

Уруш ҳеч қачон дунёда одамлар сонини кўпайтирмайди, лекин у ердаги қаҳрамонлар сонини оширади.

Орзулар одамзод умр риштаси узиладиган чегарадан ҳам ўтиб кетади ва асрлар оша учаверади.

Скрипкани соғлаш билан иш битмайди, унда куй чала олиш керак.

Агар қорғозга ёзилган ҳар бир нарба қўшиққа айланаверганда, одамлар аллақачон оддий сўзларда суҳбатлашишмасди, бир-бирига қараб қўшиқ айтишарди.

Шалдираган жилга денгизга, ялқов Маккага етиб бормади.

Бургут шамолга қарши учади, балиқ оқимга қарши сузади. Шоир ҳам хоҳ қувончли,

хоҳ гамли бўлсин, уйғонган туйғулари асосида шеър ёзади.

Ёлгон ҳар доим ёлгон, ҳақиқат ҳар доим ҳақиқат. Улар ҳеч қачон арзимас ва улканга ажратилмайди.

Ёдингда тут, дунёда сенинг овулингдан бошқа жойлар ҳам бор, унутма дунёда сандан бошқа одамлар ҳам яшайди.

Фақат шоиргина ҳаётни шундай тасвирлай оладики, шеърхонлар уларни ўқиганда ўзлари илғари эътибор бермаган нарсаларни кўради, ёвузликка қарши турган дунё гўзаллигидан, инсон қалби гўзаллигидан хайратга тушади.

Тил халққа бир умрга бериледи, уни ўзгартириб ҳам, йўқотиб ҳам бўлмайди.

Кичкина калит билан катта сандиқларни очиб мумкин.

Бола туғилаётганда ўзига Ватан танламайди — пешонасига ёзилган жойда дунёга келади.

Кичкина оғиз ҳам катта гапларни сўзлаши мумкин.

Уйингни сот, далаггни сот, мол-мулкингдан айрил, лекин кимлигингни унутма, одамгарчиликдан чиқма.

Тошни қушга ур, қуш ўлади, қушни тошга ур, қуш ўлади.

Одам — фақат атама эмас, — унвон, унвон бўлганда ҳам, жуда юксак унвон. Бу юксак унвонга муносиб бўлиш учун бир умр интилиш керак.

Номдан улуғ, ҳаётдан азиз нарса йўқ. Уларни қадрла!

Савол — ниманидир кўзлаб отилган ўқ. Жавоб — нишонга теккан ўқ.

О, она тилида ўйлаётган ва қуйлаётган одамлар! Сизга ҳам ташаккур!

Ҳамиша оналар гўзал, оналар айтган қўшиқлар гўзал.

Агар беланчалар узра аллалар айтилмаганда, эҳтимол, дунёда бошқа қўшиқлар яратилмасди.

Оналар — дунёнинг энг биринчи шоирлари!

Оналар аллеси — одамзод яратган қўшиқларнинг ибтидоси.

Қўшиқ юракда яралади, юрак уни тилга беради, тил эса одамларнинг юрагига етказди, одамларнинг юракларида асрлардан асрларга ўтади.

Шеър шундай бўлиши керакки, уни ҳеч тортинмай онагга, қизинга, синглинга ўқий олгин.

Марднинг бошига қандай синов тушмасин, у шикоят қилишга, ё кўз ёш тўкишга ҳаққи йўқ.

Ўзинг билган нарсалар ҳақида ёз. Билмаган нарсаларингни бошқа китоблардан ўқи.

Балки бўлган, балки бўлмаган. Бўлса бўлган изи қолмаган. Изин излаб ҳеч ким топмаган, эшитгану аммо кўрмаган. Ровийларнинг ривоятти бу, чолу кампир ҳикоятти бу. Билганимча айтаман Сизга, шундай экан бу қадим қисса...

Урмон адоғида эски қулбада ёшларини яшаган, ошларини ошаган чол билан кампир яшар экан. Кампир тиним билмай учручунини йиғирар, чол бўлса калаваларни бозорда сотиб тирикчилик қилишар экан.

Бир куни чол калава ипларни сотиб бозордан егуликлар олиб уйга қайтаётганда қуюқ ўрмон ичидан «Ердам берингла!» деган овозни эшитиб қолибди. Бир бола қолқонга тушиб қолган экан, бир амаллаб уни кутқарибди, аммо чол қари эмасми, оёғи яралган болани кўтариб кетишининг иложи бўлмабди. Бозордан олган

егуликларини унга бериб, ўзи уйини қидириб кетибди. Бола ўрмон сеҳрларининг ёлғиз фарзанди экан. Сеҳрлар чолнинг яхшилигини қайтармоқчи бўлиб унга:

— Тила тилагингни, ортиги билан адо этай, — дебди.

Чол:

— Мендан бошқа одам бўлганда ҳам шундай йўл тутарди. Миннатдорлик билдирганинг етарли, — деб муқофотни олишга рози бўлмабди.

— Қачонки бошингга ташвиш тушса, мени ёдга ол, — деб илтимос қилибди сеҳрлар.

Кунлар ойларга, ойлар эса йилларга айланиб, вақт шамолдек елиб чолнинг бу дунё билан видолашадиган сўнги куни ҳам етиб келибди.

Чол билан кампир узоқ йиллар аҳил-иноқ ҳаёт кечирган бўлса-



Айланадан қаранглар суратга тушамиз...

Ўзим ўқийман

лар-да, фарзанд кўрмаган эканлар. Шунинг учун ҳам чол: "Ўлиб қолсам кампирим ёлғиз қолади", деган қайғуда экан. Улими олдиндан чолнинг ёдига сеҳрларнинг вадаси тушибди, шу захоти у чолнинг ёнида пайдо бўлибди.

— Мендан сўнг кампирим ёлғизликда қийналмаслиги учун қилин-

гдан келса, унга бир қиз ато эт, — дея чол сеҳрларга ёлворибди.

Урмон сеҳрлари кампирнинг қўлидан урчуқни олиб силаган экан, унинг тоши ерга тушиб урчуқ гўзал кизга айланибди. У кизга қараб:

— Урчуқлари, шу кампир сенинг онанг бўлади. Шом тушгандан то тонг отгунча унинг хизматига бўласан, тонг отиши билан яна урчуққа айланасан, деб буорибди.

Кампирга эса урчуқдан тушган тошни бериб:

— Мана бунинг доим ёнингдан эҳтиётлаб олиб юргин. Агар уни йўқотсанг, киз тонгда урчуққа айлана олмайди. Бахтсизлик юз беради, — деб тайинлаб кўздан ғойиб бўлибди.

Шом тушиши билан чол дунёдан кўз юмибди. Кампир чолни йўқотганига ғам чекса-да, ёнида Урчуқларидай меҳрибонли бўлигидан, бу дунёда ёлғиз эмаслигидан кўнгли таскин топибди.

Урчуқлари нафақат гўзал ва

меҳрибон, балки жуда меҳнаткаш ва оқила экан. Шомдан то тонггача бир зум тин олай демас, кампирга ширин таомлар пишириб беради, бунинг устига урчуқда бир дунё ипни йиғириб ташларкан. Энди чолнинг ўрнига кампир қалаваланган ипларни сотадиган бўлибди.

Тез орада калавадан тушган пулларга сизир ва товуқлар ҳам сотиб олишибди. Кундан-кунга кампирнинг рўзгорига барака қилириб, ҳаётни бутунлай ўзгара бош-

лабди. Энди кампир ўзига оро бериб чиройли қийнадиған, унча-бунча камбағалроқ дўғоналарига менсимай қарайдиган, айрим бой-вачча аёллардек босар-тусарини билмай қолибди. Тонг отиши билан Урчуқларининг яна урчуққа айланиб тоқчада бекор ётиши унинг гашини келтира бошлабди. Кундуз кунлари ҳам сизирга ўт, сув, товуқларга дон бериш керак. Кампир эса хатто ўзига чой қайнатиб олишга ҳам эринар экан. Кампир Урчуқлари тонгдан шомгача тоқчада беҳуда ётгандан кўра доимо менинг хизматимда бўлсин деб урчуқтошни жарга улоқтирибди.

"Энди то тирик эканман, Урчуқлари эртаю кеч менинг хизматимда бўлади".

Кампир беҳуда қувонган экан. Тонгда киз ҳар доимгидек ундан урчуқтошни беришини сўрабди.

Кампир:

— Қариллик курсин, қизим, кеча тошни қаерга қўйганимни сира эслолмаяман, — деб



ёлгон сўзлабди.

Аммо қиз қандай бўлмасин урчуқтошни қидириб топиш кераклигини, бўлмаса, фалокат юз бериб ўлиб қолиши мумкинлигини, унинг жони шу тошдан қувват олишини айтгандан сўнг кампир урчуқтошни жарга ташлаб юборганини тан олибди.

Урчуқлари сўнги кучини тўплаб жарга тушибди. Урчуқтошни топиб уни ўлган экан, яна у урчуққа айланибди.

Шу куни кампир шом тушишини интизорлик билан кутибди. Кеч қорайиши билан жар томон шошибди. Кампир Урчуқлари яна ёнимга қайтди, деб умид қилган экан-да. Аммо қиз тошни ўйиб урчуққа айланиши билан ўрмон сеҳрлари уни ўз уйига олиб кетганидан хабари йўқ экан.

Алқисса, шундан буён қилишига пушаймон бўлган кампир то умрининг сўнги кунигача жар тонг ва жар кеч шом тушиши билан жарга келиб, Урчуқларини учрати қолармиканман, деб уни кутаркан...

Ҳидоят ОЛИМОВА

Дорилар Аллергияси

— Эндилдик жарроҳлик муолажаси нисбатан хавфсиз, дорилар билан даволаш эса тобора хавфлироқ бўлиб бораётир, — дейди академик Л.Лусс. — Дорилар аллергиясининг кенг ёйилиши ҳатто нафас қисқиш хасталиғи даражасига тенглашди.

— Қайси дорилар кўпроқ аллергия кўзғайди? — Одатда кўп қўлланадиган ва хавфсиз туюладиган дорилар, масалан, оғриқ қолдирувчи ибупрофен, индометацин, диклофенак ва шу каби ҳалдорилар кўпроқ аллергия кўзғамоқда. Новакаин, лидокаин, бензокаин ёки анестезин каби пардоз ва тиш муолажаларида оғриқ босувчи сифатида қўлланадиган ҳамда кўп мақсадларга мўлжалланган дориларга қўшиладиган препаратлар аллергияга сабаб бўлаётир. Улар "ширин аллерген", деб аталмоқда. Нерага? Масалан, дейлик, сиз бундай анестетик доридан ичдингиз ва тишингизни ҳам даволатмоқчисиз. Тиш шифокори: "Қачондир анестезия олганимизсиз?", деб сўрайди. Сиз эса бу гапни биринчи марта эшитиб турганингиз боис, чумал жавоб берасиз, анестетик препаратларни кўп бора қабул қилганингиз, бундай моддаларга сезгирлигингиз юқори экани ҳаблингизга ҳам келмайдди. Тиш шифокори эса бемалол, хотиржам ҳолда сизга новакаини қўллайди, оқибатда анафилактик шок келиб чиқади. Айниқса, кўзқорин ҳосиласи бўлган табибий пенициллин — замбуруғли антибиотиклар жуда хавфли.

— Демак, антибиотик бурюнда бир йўла аллергияга қарши препаратлар ҳам қабул қилишни тавсия этаётган шифокорлар тўғри қилишаркан-да?

— Мен аллерголог сифатида бунга қаршиман, — дейди академик Л.Лусс. — Агар беморнинг бирор препаратдан аллергияси бўлмаса, профилактика учун, яъни ҳар эҳтимомлга қарши қўшимча дорилар қабул қилиш шарт эмас. Иммуניתе тизимига ортқича

юк туширишга ҳожат йўқ.

— Ҳалдоридан тошма тошса, бу аллергия аломатими? — Ҳар доим ҳам эмас. Бундай ҳол бемор билмайдиган бошқа бир хасталик асорати бўлиши ҳам мумкин. Масалан, меъда яраси бор беморлар дори ичганда у оғриқ беради ёки "ношпа" ичиш билан қоринда оғриқ, баъдан эшак ёми пайдо бўлади. Қалқонсимон без ва эндокрин тизимининг бошқа хасталиқларида ҳам шундай ҳол рўй беради. Ҳақиқий аллергия эса иммуניתе тизими ишида ноқислик рўй берганда қўзда тутилмаган оғир (реакция) вазиятларни келтириб чиқаради. Шунинг учун ҳам дори ичгандан сўнг ўзингизни ёмон ҳис эта бошласангиз, дарров тез ёрдам қақиринг. Тери қичиса ёки тошма тошса, гистаминга қарши воситалар қабул қилиб, шифокорни қўшиш зарур.

— Айрим кишилар ҳушдан кеткисувчи нарқоздан кўриқиб, жарроҳлик столига ётишдан бош тортади. Беморга нарқоз қандай таъсир кўрсатишини олдиндан билиш мумкинми?

— Мумкин. Беморнинг учун кўпгина "тест"лар бор. Бироқ келгусида қандай дорилар умуман аллергия кўзғашини аввалдан айтиб бўлмайди. Негаки, аллергия одамда бир неча ҳафта ичида ривожланиши ҳам мумкин.

— Дориларнинг аллергия кўзғашини қандай одамларда тез-тез кузатилади?

— Мунтазам равишда дори ичиб юришга мажбур бўлган сурункали хасталиғи бор одамларда. Булар бўлмасга ҳалдор ичишга одатланиб қолганларда. Ва, албатта, аллергияси борлар, аллергия кўзғалишига мойил кишиларда. Турли аллергенлар ҳам бир-бири билан тўқнашганда реакция беради. Масалан, антибиотикларга реакцияси борларда замбуруғли аллергенлар, жун, момиқ ва гўштда ҳам шундай аллергия кўзғалиши мумкин. Ва, ақинча, айрим махсуслашган аллергия бўлганлар баъзи дориларни қабул қила олмаслиги мумкин. Умуман олганда эса, аллергия ҳар қандай одамда пайдо бўлиши эҳтимолдан узоқ эмас. Негаки, дори моддалари ҳозир кўпгина махсуслотлар таркибига — гўшт, сўт, сунъий боқилган балиқларда учраши мумкин. Мол емига турли инфекцияларга қарши антибиотиклар, сульфаниламидли препаратларни профилактика сифатида қўшиш ҳозир жуда урф бўлган. Бундан ташқари, сўйишдан олдин молларга жуда катта дозаларда тинчлантирувчи препаратлар берилиши ҳам сир эмас. Улар шак-шубҳасиз гўшт махсуслотлари таркибига ўтади.

— Бирор махсуслот ёки дори хидидан аллергияси кўзғаб вафот этган ҳоллар ҳақида ҳам эшитганимиз. Шундай ҳоллар ҳам юз берганидими?

— Беради. Масалан, бир қизнинг ер ёнқоққа аллергияси бор. Йигит у билан учрашувдан аввал ер ёнқоқ ёғи қўшилган бутерброд еган ва кела солиб, қизни ўлган, дейлик. Қиз унинг қўлида жон берган. Ёки аёл эрининг балиқ ёйиши мумкин эмаслигини яхши билади, ўзи учун харид қилган балиқни уйдига музхонага солиб қўяди. Эр ишдан кела солиб, музхонани очадию дарров ҳушдан кетади. Бундай беморлар битта-яримта эмас. Бироқ бу билан мен вазиятни кескинлаштирмақчи эмасман. Нима қилиш керак? Тўғри яшаш керак! Ўзини ўзи даволаш билан шугулланмаган маъқул. Шифокорга ишонши керак. Иммуניתе тизимингизга, унинг ишончли химоячи эканига ишонинг. Ва, албатта, ҳар бир дориини ичишдан аввал, унинг варақасида бутунлай безарар деб ёзилишидан қатъи назар, шифокор билан маслаҳатлашишни унутманг.

— Беради. Масалан, бир қизнинг ер ёнқоққа аллергияси бор. Йигит у билан учрашувдан аввал ер ёнқоқ ёғи қўшилган бутерброд еган ва кела солиб, қизни ўлган, дейлик. Қиз унинг қўлида жон берган. Ёки аёл эрининг балиқ ёйиши мумкин эмаслигини яхши билади, ўзи учун харид қилган балиқни уйдига музхонага солиб қўяди. Эр ишдан кела солиб, музхонани очадию дарров ҳушдан кетади. Бундай беморлар битта-яримта эмас. Бироқ бу билан мен вазиятни кескинлаштирмақчи эмасман. Нима қилиш керак? Тўғри яшаш керак! Ўзини ўзи даволаш билан шугулланмаган маъқул. Шифокорга ишонши керак. Иммуניתе тизимингизга, унинг ишончли химоячи эканига ишонинг. Ва, албатта, ҳар бир дориини ичишдан аввал, унинг варақасида бутунлай безарар деб ёзилишидан қатъи назар, шифокор билан маслаҳатлашишни унутманг.

— Бирор махсуслот ёки дори хидидан аллергияси кўзғаб вафот этган ҳоллар ҳақида ҳам эшитганимиз. Шундай ҳоллар ҳам юз берганидими?

— Беради. Масалан, бир қизнинг ер ёнқоққа аллергияси бор. Йигит у билан учрашувдан аввал ер ёнқоқ ёғи қўшилган бутерброд еган ва кела солиб, қизни ўлган, дейлик. Қиз унинг қўлида жон берган. Ёки аёл эрининг балиқ ёйиши мумкин эмаслигини яхши билади, ўзи учун харид қилган балиқни уйдига музхонага солиб қўяди. Эр ишдан кела солиб, музхонани очадию дарров ҳушдан кетади. Бундай беморлар битта-яримта эмас. Бироқ бу билан мен вазиятни кескинлаштирмақчи эмасман. Нима қилиш керак? Тўғри яшаш керак! Ўзини ўзи даволаш билан шугулланмаган маъқул. Шифокорга ишонши керак. Иммуניתе тизимингизга, унинг ишончли химоячи эканига ишонинг. Ва, албатта, ҳар бир дориини ичишдан аввал, унинг варақасида бутунлай безарар деб ёзилишидан қатъи назар, шиф